

АЛИШЕР АБСАЛОМОВ

РУСТИЛИНИ
ЎРГАНИШНИНГ
ЭНГ САМАРАЛИ
УСУЛЛАРИ



УЎК: 811.161.1

КБК: 81. 2

Рус - 92.3

Алишер Абсаломов. Рус тилини ўрганишнинг энг самарали усуллари. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2020. – 364 б.

ISBN 978-9943-20-718-9

Қўлланмада чет тилини ўргатиш бўйича дунёга танилган мутахасисларнинг энг самарадор услублари жой олган. Кўп уриниш талаб қўлмайдиган, қулай ва самарали усуллар билан рус тилини қисқа вақт ичидаги ўзлаштирасиз, рус тилида равон, тўғри гапириш малакасини шакллантирасиз.

Кеңг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

УЎК: 811.161.1

КБК: 81. 2

Масъул муҳаррир:
Акбарали АШУРОВ

Тақризчилар:
Мавжуда МАДАМИНОВА,
Ўзбекистон Миллий университети чет
тиллари бўйича катта ўқитувчisi

Ҳилола САЛОЕВА,
таржимон

Илҳом ХОЛБЕКОВ,
олий тоифали рус тили ўқитувчisi

**SHIRIN SHAHAR
AXBOROT-KUTUBXONA
MARKAZI!**

INV № 2022/1-385

ISBN 978-9943-20-718-9

© Алишер Абсаломов, «Рус тилини ўрганишнинг энг самарали усуллари». «Янги аср авлоди», 2019 йил.

© Алишер Абсаломов, «Рус тилини ўрганишнинг энг самарали усуллари». «Янги аср авлоди», 2020 йил.

МУҚАДДИМА

*Олдингизда улуг мақсад турганда
мәҳнатни роҳат деб билинг.*

Бугун мамлакатимиз кун сайин сиёсий-маданий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда тобора ривожланмоқда. Жаҳоннинг кўплаб давлатлари билан ўзаро алоқалар ўрнатилмоқда, бу эса фуқароларимизнинг чет тилларни чуқур билишларини тақозо этади.

Ҳаммамизга маълумки, рус тили 6 та жаҳон тилларидан бири ҳисобланади. XX аср ўрталарида рус тили жаҳон тили сифатида тан олинган. Ер юзида тиллар тарқалиши бўйича 3-ўринни эгаллайди. Бу тилни жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатларида ўрганишади. Уни чет тили сифатида дунё аҳолисининг ҳар саккизинчи кишиси ўрганади.

«Рус тилини ўрганишнинг энг самарали усуслари» китоби, асосан, мустақил ўрганувчилар учун мўлжалланган бўлиб, кўп уриниш талаб қилмайдиган, қулай ва самарали усуслар ёрдамида қисқа вақт ичидаги рус тилини ўзлаштиришда қўл келади.

Бу китобда рус тилини тез, осон ва тўғри ўрганишга доир тажрибалар асосида исботланган оптималь усуслар, қоидалар ва мисоллар келтирилган. Сиздан барча қоидаларга амал қилиб, кўпроқ ишлаш талаб қилинади, холос.

Интизом – ҳар қандай ютуқнинг пойдевори. Агар бугун сиз ўнта машқни режалаштириб, фақат биттасини бажарадиган бўлсангиз, демак, тўққизта машқ бажарилмасдан қолади. Бундай хатти-ҳаракатнинг ёмон томони – бир кун беҳуда ўтганини кўра-била туриб, ҳеч қандай зарарли томони йўқ деб ҳисоблашимизда. Ўйлаб кўринг, фақат бир кун! Лекин кунлар ойга, ойлар йилга айланади.

Вақтингиздан унумли фойдаланинг. Мақсадга эришиш учун дам олиш вақтингизни тил ўрганишга бағишиланг.

Илҳомлантирувчи омил – ўрганишни бутунданоқ бошланг. «Эртадан бошлайман, душанбадан, шанбадан, ... янги йилдан»

ва ҳоказо баҳоналарни ўз-ўзини алдашга одатланган кишилар ўйлаб топишган. Ҳеч қачон «Қани эди мен ҳам фалончи каби бошқа тилларда сўзлаша олсан», – деманг, аксинча «мен хоҳладимми, демак, албатта ўрганаман», деб бошланг.

Шуни билингки, тилни ўзлаштириш учун алоҳида қобиляят, туғма истеъдод керак эмас, аксинча ҳаракат, меҳнат талаб этилади. Эзгу мақсадга ёмон йўл билан эришиб бўлмайди. Катта мақсад оз меҳнат билан қўлга киритилмайди. Арзимас ҳаракатдан арзимас натижага чиқади.

Чет тилларни қанча кўп, пухта билсангиз, ўргансангиз, шунча имконият бўй кўрсатади. Ана шу имкониятлар ҳақида ўйлаб кўриб, ишга киришинг!

МАҚСАД САРИ БИРИНЧИ ҚАДАМ

Нима учун айрим кишилар рус тилида равон ва эркин сўзлашади, сиз эса ҳали ҳам бунга эришолмадингиз?

Сиз рус тилида сўзлашга ҳаракат қилганда уяласизми?

Сиз русча сўзлаганда кўп грамматик хатога йўл қўясизми?

Сиз, рус тилида сўзлаганимда бошқалар тушунмайди, деб хавотирланасизми?

Сиз рус тилида галирмоқчи бўлганингизда ўзингизни асабий ҳис қиласизми?

Сиз рус тилида сўзлашингиз умуман яхшиланмаслигидан тушкунликка тушасизми?

Сиз рус тилига доир расмий китоблар, дарслеклар, грамматик қоидалар, машқлар ва тестлардан зерикиш ва чарчаш сезганимисиз?

Сиз «рус тилини ўрганиш бунчалар қийин бўлмаса» – деб ўйлаганимисиз?

Сиз «мен рус тилида равон сўзлай олмайман. Бу тилда осон, равон ва тўғри сўзлай олишим мумкин эмас», деб ўйлайсизми?

Агар юқоридаги саволларга тасдиқловчи сўзлар билан жавоб берган бўлсангиз, демак сиз кўпчилик тил ўрганувчилар каби ҳолатларни бошдан кечиравасиз. Мазкур китобдан жой олган услубларни амалда қўллаш натижасида бундай салбий ҳолатларни енгиб, қисқа вақт ичida рус тилида равон ва эркин сўзлай бошлайсиз.

Нима учун ҳали-ҳануз рус тилида равон ва тўғри сўзлай олмаяпсиз?

Сиз шу пайтгача тил ўрганишнинг оддий усулларини қўллагансиз. Рус тили дарслекларидан жой олган грамматик қоидаларни ўзлаштириб, изоҳли, таржима луғатлардаги сўзлар қаторини ёд олиш билан кифоялангансиз. Сиз «оддий усуллар» билан тилни ўзлаштиришга интилгансиз ва арзимас натижаларга эга бўляпсиз. Яхши натижага эришиш учун самарали усулларни қўллаш керак.

Рус тилида тутилмасдан, равон ва түгри сўзлашишни хоҳ-ласангиз узоқ йиллар давомида тажрибада синалган энг са-марали усулларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Эътибор беринг-а, аксарият кишилар рус тилида түгри талаффузга эга. Улар тутилмасдан эркин сўзлайдилар. Мутахассислар-нинг эътироф этишича, чет тилини қисқа муддатда ўзлаштирган бундай инсонларнинг услуби қуйидагича:

Биринчидан, чет тилида равон ва түгри сўзловчи кишилар тил ўрганиш жараёнида ўзлари қизиқкан манбаларга таянишади, ҳис-туйгуларига эътибор қаратишади, қандай қилиб ижобий ҳиссиётга эга бўлишни билишади. Зоро, кўта-ринки кайфият, ўзига ишонч туйгуси равон ва дадил сўзлашни таъминловчи омиллардир.

Иккинчидан, аксарият чет тилида равон сўзловчилар, яъни оғзаки нутқни ривожлантиришни мақсад қилиб олган инсонлар грамматик қоидаларни ўрганишдан четланадилар. Улар грамматикага оид китобларни ўрганишмайди.

Учинчидан, чет тилини яхши ўзлаштирган, равон ва түгри гапира олувчи инсонлар кичик ҳикоялар, замон ва маконга оид қатралар ҳамда нутқни түгри шакллантирувчи бошқа усуллардан фойдаланишади.

Тўртингчидан, улар ўз мақсадларига эришиш учун тест на-тижалари, босқичларга эмас, фақат реал натижаларга эътибор қаратишади.

Сиз ҳам рус тилида равон ва түгри сўзлашингиз мумкин

Мазкур китобда келтирилган усул ва қоидалар қисқа вақт ичida рус тилида равон ва түгри сўзлашингизга ёрдам бера-ди. Китобдан жой олган, тажрибада синалган усул ва қоидалар рус тилида тутилмасдан, эркин сўзлашни хоҳловчилар учун мўлжалланган.

Ҳиссиётларингизни бошқаринг...

Рус тилини маҳсус курсларга бориб ўрганган инсонларнинг айримлари русча мулоқот олиб боришга ҳаракат қилгандаридан асабийлашадиган бўлиб қолишади. Оқибатда хотира рус тилидаги лугат бойлиги, бор билимни қулфлаб, инсон ўзи билган, ўзлаштиргандарини унугаётгандай ҳис қиласди.

Ушбу китобда руҳий ҳаяжон (стресс) сабабини йўқотиб, рус тилида равон ва тўғри сўзлаш, қўрқувни журъатга, асабийлашишни эса хотиржамликка ўзгартириш ҳақида ҳам сўз боради.

Ишончимиз комилки, ҳам тилни, ҳам ҳиссиётларни бошқаришни ўрганиш сизга кўп имкониятлар эшигини очади.

1-қоида

Рус тилини ундаги якка сўзларни эмас, сўз бирикмаларини ёд олиб ўрганинг.

Бу жуда оддий ва осон, шу билан биргаликда самарали ва қулай. Сўз бирикмаси – бутун бир гап эмас, ўзаро қўшимча ва маъно орқали боғланган икки ёки ундан ортиқ сўзлар гуруҳидир. Шунингдек, у гапнинг бир бўлаги ҳисобланади. Масалан, сиз «*владею*» таржимасини билмадингиз ва шу сўзни ўрганмоқчисиз. Сиз сўзни ёсасиз, унинг таржимасини луғатдан топасиз ва эслаб қолиш учун ёд оласиз. Худди шу тарзда узундан-узоқ кўплаб якка сўзлар рўйхатини тузиб, ҳаммасини эслаб қолишга ҳаракат қиласиз. Мақсадингиз – якка сўзларни эслаб қолиш. Бу каби йўл тутишнинг самараси оз. Кўплаб мутахассислар бутун сўз бирикмасини ўрганиб, ёд олиш кераклигини таъкидлашмоқда. Хўш, сўз бирикмалари ни қайси манбадан ўрганасиз? Сиз уларни рус тилидаги радиоэшилтиришлар, кўрсатувлар, турли бадий адабиётлардан ўрганишингиз мумкин. Маслаҳатимиз: китоб ва бошқа манбалардаги сўзларни бирма-бир ёд олманг. Янги сўзлар, ибораларни эшитинг, ёзинг. Фақат якка сўзни эмас, сўз бирикмасини ёзинг! Масалан, «*владею*» сўзини ёзиш ўрнига «(Акмал) владеет русским языком» шаклида бутун сўз бирикмасини ёзасиз. Сўз бирикмасидан кўп ва анча кенг маълумот олиш мумкин. Бу жуда муҳим.

Биринчидан, сўз бирикмаларини эслаб қолиш осон, чунки уларни ўқиш, мулоқот чоғида ёки тинглаш давомида ўргангансиз. «(Акмал) владеет русским языком» деганда сиз бутун жумла мазмунини ёдга оласиз. Акмал кимлигини, воқеа жойини, рус тилини билишини эслайсиз. Бундай қўшимча маълумот сизга ҳар доим сўз бирикмасининг маъносини, шунингдек, ҳар бир янги сўзнинг маъноси ёдда қолишига ёрдам беради. Мазкур ёндашув рус тилидаги сўзлар хотирада қолишини анча осонлаштиради.

Иккинчидан, сиз қўшимча «бонус»га эга бўласиз: сўз бирикмаларини ёдлаш давомида, грамматикани ҳам ўргана-сиз. Фақатгина алоҳида сўзни ўрганиб қолмай, грамматикани, сўзни қандай тўғри қўллашни билиб оласиз. Яъни, сўз бирикмаларини қанча кўп ўргансангиз, грамматикани ҳам шунча кўп ўзлаширасиз. Грамматика бўлимида сўзларнинг ўзаро боғланниши, қандай шаклда қўлланилиш тартиби ўрганилади. Масалан, «(Акмал) владеет русским языком» сўз бирикмасида «владеть», «русский» ва «язык» сўзлари ўзаро маъно ва қўшимчалар орқали боғланган. Сизнинг ўтган ва ҳозирги замон қўшимчаларини, феълнинг I, II, III шахсларда тусланишини билишингиз мухим эмас. Бу усул грамматикани автоматик тарзда ўзлаширадиган усули ҳисобланади.

Сўз бирикмаларини ёдлашнинг яна бир мухим томони – тезлик. Якка сўз ва сўз бирикмаларини ўрганиш бўйича ўтказилган синов натижалари шуни кўрсатадики, сўз бирикмаларини ўрганишга қанча кўп эътибор қаратсангиз, 4-5 марта юқори самараға эришишингиз мумкин. Доимо якка сўзни эмас, сўз бирикмасини ёд олиб ўрганинг.

Биз ҳар бир сўзни доналаб айтганимизда нутқимизнинг табиийлиги йўқолиши аниқ. Зеро, суҳбат жараёнида сўзлар бирма-бир айтилмайди, аммо ҳар бир сўз бирикмаси орасида тўхталиш бўлади. Ёш болалар мазкур усулни қўллашади. Улар сўз бирикмалари орқали тилни билиб оладилар, шунинг учун тўғри ва тез ўрганадилар. Аввалига улар фақат сўз бирикмаларининг маъносини тушунишади. Ҳар бир сўзнинг маъносини билмасликлари мумкин, аммо сўз бирикмасининг яхлит маъносини билишади. Кейинчалик сўз бирикмаларини тобора кўпроқ ўрганганлари сайин, ҳар бир алоҳида сўзнинг маъносини ҳам тушуна бошлайдилар.

Бу – сўз бойлигини орттиришнинг энг тезкор усулларидан бири. У, шунингдек, равон сўзлашни ҳам тўғри ва қисқа муддатда шакллантиради. Агар ҳар бир сўз ҳақида алоҳида ўйласангиз, гапирганингизда қовушмаган тўхталишлар, яъни «паузалар» ҳосил бўлади. Бу ҳолатни тил ўрганаётган барча инсонларда учратиш мумкин. Уларнинг мулоқот чоғида

тұхтаб қолиши, ғалып жумлалары суҳбатдошга ноқулайлик туғдиради, мулоқотнинг табиийлиги йүқолади. Юқорида таъкидлаганимиздек, бунинг сабаби, улар сўз бирикмаларини эмас, якка сўзларни ёд олиб ўрганишганида. Шу ўринда савол туғилади: сўз бирикмаларини ёдлаб тилни ўрганган киши гапирганда қачон тұхталиш бўлади? Бизда, муҳтарам тил ўрганувчи, сўз бирикмалари орасида пауза бўлади. Сизнинг нутқингиз табиий чиқади ҳамда сўзлаш равонлиги ва гапириш тезлиги бир меъёрга келади. Бу рус тилида мулоқотни тўғри олиб боришни шакллантиришга ёрдам берувчи жуда самарали усулдир. Сўз бирикмаларини қўпроқ ўрганганингиз сайин янада кўплаб фойдали, керакли жиҳатларни топасиз.

Сўз бирикмаларини ўрганинг!

2-қоида

Грамматик қоидаларни ёд олишга муқкасидан кетманг.

Аксарият кишилар учун грамматик қоидаларни ёдлаш ўрганиш жараёнининг асосий қисмини ташкил қиласи. Бунинг боиси, бизга болаликдан хорижий тилни ўрганиш учун асосан грамматик қоидаларни ёдлаш зарурлигини уқдиришган. Бошлангич, ўрта мактабларда, университетларда, тил ўргатиш курсларида – ҳамма даргоҳда, бутун дунёда – грамматика, қоидалар, тартиб, қолиплар... Аслида тилни тез, осон ва муваффақиятли ўрганишда бу усулга ёпишиб олиш ортиқча меҳнатни келтириб чиқаради, холос.

Ҳа, тил ўрганиш учун шу вақтгача кўплаб грамматик қоидаларни ёдлашга эътибор қаратгансиз. Сиз рус тилида равон, тез ва осон сўзлай оласизми? Нима учун «йўқ»? Нима учун сиз ийиллар давомида ўргангандар рус тилида равон ва тез сўзлай олмайсиз? Сабаби нимада?

Афсуски, бу фақат сизнинг камчилигингиз эмас. Зоро, кўпчилик асосан грамматикани ўрганади, морфология ва синтаксисга оид кўплаб қоидалар ёдлайди. Уларнинг диққат-эътибори, асосан, ўзлаштирган билимларини тўғри қўллашга қаратилади. Нима учун? Чунки ўқитувчилар шу тарзда таълим беришади. Бу услугнинг салбий томони ни-

мада? Сиз ойлар, йиллар мобайнида асосий вақтингизни грамматикани ўрганишга сарфлаганингиз боис рус тилини таҳлил қилиш билан банд бўласиз: ўтган, ҳозирги, келаси замон ва ҳоказолар ҳақида ўйлайсиз, гапни хатосиз тузиш ҳақида бош қотирасиз.

Биз «грамматикани умуман ўрганмаслик керак», деган фикрдан йироқмиз, фақат юзлаб қоидаларни ёдлаб, бошқа самарали усулларни инкор этишларига қаршимиз, холос. Тўғри ёзишни ўрганиш учун грамматиканинг аҳамияти ниҳоятда катта. Зотан, мазкур бўлимни ўрганмасдан саводли ёзиш кўникмасини шакллантира олмайсиз.

Она тилини қандай ўрганганингизни бир ёдга олинг. Мактаб ёшига етмасдан ўз фикрингизни аниқ ва лўнда, равон тушунтириб бера олардингиз. Бу ёшгача ҳеч бир грамматик қоидаларни ўрганмагансиз. Ўрта мактаб, коллеж ва университетларда биз она тилимизнинг лугат бойлиги, орфография, морфемика, синтаксис ва морфология каби бўлимларини ўрганамиз. Ўз тилимизда сўзлаш давомида грамматик қоидалардан фойдаланмаймиз. Шундай экан, биз қандай қилиб аниқ, лўнда ва равон сўзлаймиз? Биз тилини тинглаш, фикрлаш ва талаффуз орқали ўзлаштирамиз. Инчунун, чет тилини эшитиш ва ўқиш орқали ўрганиш, шунингдек, мазкур усул воситасида грамматикани ўзлаштириш энг самарали ҳамда тўғри йўлдир. Бунинг учун дастлаб содда, мураккаб бўлмаган қизиқарли, қисқа ҳикояларни мутолаа қилинг.

Грамматик қоидаларни ёдлашга муккадан кетманг. Агар сиз нуқул грамматик қоидаларни ўргансангиз, рус тилида равон, тўғри сўзлаш ва тушуниш жараёни жуда суст кечади.

Грамматик қоидаларни ёдлашга муккасидан кетманг!

3-қоида

Кўзларингиз билан эмас, қулоқларингиз билан ўрганинг!

Агар сиз рус тилида равон ва тўғри сўзлашни хоҳласангиз, аввал тинглашингиз керак.

Тинглаш, тинглаш ва яна тинглаш – рус тилида тўғри сўзлашнинг калитларидан бири. Бу жуда муҳим. Чунки, қан-

чалик күп тингласангиз, шунчалик күп сўз бойлигига эга бўлиб, грамматикани ўрганасиз, шунингдек, тезроқ сўзлаб, нутқни тушунасиз. Тинглаш, яна такрор айтаман, бу рус ти-лида равон ва тўғри сўзлашнинг сеҳрли калитидир. Бунинг самараси катта. Тинглаш қўлингиздан келади. Ҳар бир миллат ўз она тилини қулоқлари билан эшитиш орқали ўргана-ди. Агар рус ти-лида тўғри, осон ва равон сўзлашни хоҳла-сангиз, кўп тинглаш бажаришингиз лозим бўлган вазифадир.

Келинг, тинглаш хусусияти ҳақида сўз юритайлик, чунки қандай тинглаш ва нимани тинглаш – бу жуда муҳим. Дастлаб осон ва содда жумлаларни тинглашингиз шарт. Улар оддий ва қизиқарли бўлиши лозим. «Оддий» деганда нимани назарда тутаямиз? Тил ўрганувчи жумлаларнинг 90 фоизи ва ундан кўпроғини тўхтаб қолмасдан, лугатсиз тушуниши керак. Бу – тил ўрганиш жараёнини анча осонлаштиради. Шу боис илк босқичда доимо оддий ибораларни тинглашингиз керак бўлади. Мазкур тилда ўсмир болалар учун тайёрланган теле- ва радио дастурлари ҳамда болалар аудиокитобларидан фойдаланишингиз мумкин. Агар бу ҳам қийинчилик туғдирса, осонроғини топинг: ёш болалар учун мўлжалланган дастурларни тингланг. Нимани дир тушунмай қолсангиз, матндан фойдаланишингиз мумкин. Бундай ҳолда овоз чиқариб ўқиш тавсия этилади. Тинглаш давомида матнга қарааш мумкин бу нотўғри йўл эмас. Аммо энг муҳими – тинглаш, тинглаш, тинглаш эканлигини унумтманг. Сиз тр-3 плеердан фойдаланинг. Русча эшитиришлар, аудиокитобларни имкон бўлди дегунча эшиting. Дарсликлардаги оддий, қизиқарли ҳикояларни ўқишга эмас, кўпроқ тинглашга эътибор қаратинг.

Кўриб эмас, тинглаб ўрганинг!

4-қоида

Чуқур ўрганишга ҳаракат қилинг!

Бу қоида ҳам осон ва самарали. Ҳар бир қоидани тўлиқ амалда қўллаш сизга кутилмаган натижаларни тақдим эта-ди. Демак, тўртингчи қоида – чуқур ўрганиш. Бу нима дегани? Чуқур ўрганиш – ўзлаштирган билимларни такрор-

лаш, қайта-қайта ва узоқ вақт оралиғида тақрорлашни англатади. Агар сиз тиљи мактаб, коллеж, олийгоҳ ва ўқув курсларидаги дастур асосида ўргансангиз, бу йўл жуда мураккабдир. Уларнинг аксариятида асосий эътибор жуда қисқа муддатда кўп миқдорда сўз ва иборалар, тил бўлимлари, юзлаб қоидаларни ўрганишга қаратилган. Ўқувчилар олган билим ва топшириқларни энди ўзлаштира бошлаганда янги қоидалар ва янги сўзларга дуч келишади. Улар дарслик ва қўлланмаларни қисқа вақтда, тўлиқ ўзлаштирумасдан ўрганишади, мумкин қадар тезроқ тутгатишга ҳаракат қилишади. Хўш, муаммо нимада? Муаммо шундаки, сиз қанча кўп янги сўз ва қоидаларни ўрганганингизга қарамай шунча тез уларни унутасиз. Ёки умумий ғоясини эслайсиз-у, аммо амалиётда қўллай олмайсиз. Мисол учун: ўқувчилар рус тилида ўтган замон шаклини дарслик орқали ўрганишган. Аммо, ўтган замонни қўллашда хато қилишади. Бир ўйлаб кўринг, йиллар мобайнида рус тиљини ўргандингиз, лекин барibir хатоларга йўл қўймоқдасиз. Чунки сиз дарсларни тўлиқ ўзлаштирумадингиз, чуқур ва мукаммал ўрганмадингиз.

Мутахассислар маслаҳатига қулоқ солинг: ўргангандаринингизни бирма-бир тақрорланг. Ҳар бир дарсни (машқлар, мавзуларни) икки ҳафта мобайнида ҳар куни ўқинг, қайта кўриб чиқиб тақрорланг. Агар ҳануз мураккабдек туюлса, яна уч-тўрт ҳафта тақрорлашда давом этинг. Чунки бу пойга мусобақаси эмас-ку, шошсангиз. Ўтилган дарсларни ёддан чиқармаслик ва амалда қўллай олишингиз учун етарли дараҷада чуқур ўрганиш керак. Агар тинглаш учун сизга ёқадиган қандайдир аудиоёзув бўлса, фақат бир марта тингламанг. Бир марта етарли эмас! Беш марта ҳам етарли эмас! Сиз уни ўн, йигирма марта ва ундан кўп тинглашингиз керак. Унуманг, икки ёки уч аудиоёзувни тўлиқ ўрганмагунча ҳар куни қайта-қайта эшишишингиз шарт. Бу равон сўзлаш, грамматикани тўғри ўрганиш ва уни амалиётда самарали қўллашга яқиндан ёрдам беради. Масалан, ўтган замон феъли иштирок этган бирор-бир ҳикоя топинг. Уни бир ҳафта, икки, уч (тўрт-беш) ҳафта мобайнида ўқинг. Кейин ўтган замон феъли

қўлланилган бошқа кичикроқ ҳикояни узоқ вақт мобайнида мутолаа қилинг ва шу зайлда давом этинг. Ҳеч қачон тўхта-манг! Демак, чет тилини ўрганишнинг самарали йўлларидан бири – доимо ўқиш, тинглашдир.

Жуда кўп такрорланг ва чуқур ўрганинг!

5-қоида

Грамматикани қизиқарли, қисқа холосалар ёрдамида ўрганинг!

Аввалти қоидалардан бирида грамматикани ёдлашга муккасидан кетмасликни тавсия этган эдик. Сиз «грамматикани ўрганмасдан рус тилида қандай қилиб тўғри сўзлай оламан?» – деб ўйлаётгандирсиз. Келинг, шу ҳақда тўхталайлик. Грамматик қоидаларни ёд олмасдан рус тили грамматикасини ўзлаштириш мумкин. Бу кичкина «фокус». Қандай амалга оширамиз? Бу жуда осон. Биз мазкур усулни рус тили, шунингдек, бошқа тиллар грамматикасини ўрганишдаги энг яхши усул деб биламиз. Танишинг: қисса, кичик ҳикоя, тарих. Яъни, биз бирор иш бажариб, буни (кичик) ҳикоя тарзида, ҳозирги замон шаклида айтиб берамиз.

Мисол учун:

Начались летние каникулы.

Мы с братом живём в деревне у бабушки. Утром мы ходим в поле. Там мы помогаем взрослым. Ещё мы поливаем грядки, ухаживаем за лошадьми. Даём им корм, моем и чистим их. Днём мы бежим на речку, купаемся, ловим рыбу. Хорошо мы отдыхаем в деревне!

Бу қисқа ҳикоя ҳозирги замонда содир бўляпти. Қандай қилиб бу ҳикоя орқали грамматикани ўрганиш мумкин? Мазкур ҳикояни ўтган замонда айтинг, ёзинг ва такрорланг. Масалан:

В прошлом году на летних каникулах мы с братом жили в деревне у бабушки. Утром мы ходили в поле. Там мы помогали взрослым. Ещё мы поливали грядки, ухаживали за лошадьми. Давали им корм, мыли и чистили их. Днём мы бегали на речку, купались, ловили рыбу. Хорошо мы отдыхали в деревне!

Китобнинг «Кичик ҳикоялар. Короткие рассказы» бўлимида берилган ҳикояларни шу тарзда ўзгартиринг ва тр-З даги аудиони қайта-қайта тингланг. Бунда грамматик қоидалар ҳақида ўйламанг! Сиз «Бу ўтган замон; жили – тугалланмаган шаклдаги (несовершенный вид) феъл», дея жумлаларни таҳлил қилишга чуқур киришиб кетманг. Бу ҳақда умуман ўйламанг! Фақат ҳикояни ўқинг, тингланг ва (ҳикоя нима ҳақида кетаётганини) тушунинг. Сиз қилишингиз керак бўлган иш – яна такрорлаймиз: биринчи ҳикояни ўқиш, тинглаш ва уни тушуниш, ушбу ҳикоянинг иккинчи вариантини ёзиш, ўқиш, тинглаш ва гап нима ҳақида бораётганини англаш. Бу самарали усул грамматик қоидаларни тез ва осон ўрганишга ёрдам беради.

Ҳикоянинг учинчи варианти – келаси замон шаклини ўқиймиз:

На следующий год на летние каникулы мы с братом собираемся жить в деревне у бабушки. Утром мы пойдем в поле. Там мы поможем взрослым. Еще мы будем поливать грядки, ухаживать за лошадьми, давать им корм, мыть и чистить их. А днём мы побежим на речку, купаться, ловить рыбу. Мы хорошо отдохнём в деревне!

Бу ҳикояларда рус тили грамматикасининг морфология ва синтаксис бўлимларига оид қоидаларини амалда қўллайсиз. Сўз туркумлари, турли қўшимчалар, категориялар, замонлар номларини ва сўзлар ўзгаришини мукаммал билишингиз талаб этилмайди. Асосий қиласиган ишингиз – фақат қисқа ҳикояларни ўқиш ва тинглаш. «Прошлым летом» деганда сиз воқеа ўтган замонда содир бўлаётганини ва давом этаётганини тушундингиз ҳамда бирор бир қоидани эсга олмадингиз. Худди шу тарзда давом этинг – рус тилини мурғак бола сингари ўзлаштиринг. Агар тилни шу хилдаги қисқа ҳикоялар орқали ўргансангиз, грамматикага оид қоидаларни қийинчиликсиз тўғри қўллай оласиз. Сизнинг бу тилда сўзлаш мала-кангиз тезда яхшиланади. Энг муҳими, қоидага мувофиқ тўғри, тез ва автоматик тарзда сўзлай бошлайсиз, керагидан ортиқча ўлашдан тўхтайсиз.

Рус тили грамматикасини қизиқарли, қисқа ҳикоялар орқали ўрганинг!

6-қоңда

Содда, оммабоп ҳикояларни ўқинг ёки тингланг!

Агар сиз рус тилида түғри талаффуз қилишни, равон гапиришни хоҳласангиз, русча **содда, оммабоп** тилда ёзилган қиссаларни ўқишингиз ёки тинглашингиз керак. Бунда ўзингизни зўриқтираслик, мажбурламаслик катта аҳамият касб этади. Улардан қониқиш олишингиз, тасаввурингизни шакллантиришингиз лозим. Сизга қизиқарли ва ҳузур бағишлийдиган адабиётдан фойдаланинг. Бу түғри, ифодали ўқишини яхшилашнинг энг яқин йўли.

Юқорида тинглаб ўрганишга кўпроқ эътибор қаратиш кераклигини таъкидлаган эдик. Тадқиқотлар натижасига кўра, чет тилини тинглаб ўрганаётганда 80 фоиз маълумот хотирада саҳланиб қолиши аниқланган. Гап нимани кўпроқ тинглаш кераклигида! Ўзингизга қизиқарли ва тушунарли бўлган аудиони эшитинг. Шунингдек, аудио матн мавзуси, дикторнинг жарангдор овози, талаффузи ёкиши мақсадга мувофиқдир.

Дастлаб тили, услуби мураккаб бўлмаган аудиокитоблардан фойдаланинг, бу борада болалар учун ёзилган ҳикоялар айнан түғри келади. Агар сиз учун жуда осон бўлса, унда ўсмирларга мўлжалланган аудиокитобларни тинглашингиз мумкин. Фақат буни тўхтатмаслигингиз керак, кейинчалик улар сизга жуда осон бўлиб қолса, мураккаблик даражасини оширинг. Тил ўрганишни тили, услуби мураккаб бўлган китоб ва аудиоматидан бошламанг. Еттинчи поғонага чиқиши учун биринчи поғонага оёқ қўйиш кераклигини унуманг!

Русча содда, оммабоп тилда ёзилган ҳикоя, қиссаларни ўқишингиз ёки тинглашингиз керак.

7-қоңда

Қисқа ҳикояларни тингланг ва саволларга жавоб беринг.

Бу қоңда сизга равон сўзлаш ва рус тилини тезкор тушунишга ёрдам беради.

Мактаб давларини ёдга олинг. Рус тили ўқитувчиси кўп маротаба бажартирган «tingланг ва такрорланг» топшири-

ғини хаёлингизда тикланг. Масалан, ўқитувчи: «Сўзларимни қайтаринг: Где ты учишься?» дейди. Ва ўқувчилар биргаликда тақрорлашади. Кейин ўқитувчи: «Я учусь в школе», дейди ва бутун синф «Я учусь в школе», деб тақрорлайди.

Бу рус тилини ўзлаштиришда қўлланадиган «тингланг ва тақрорланг» машқидир. Мазкур усул асосида тил ўрганишнинг самарадорлиги юқори эмас. Зеро, тингласангиз ва бир вақтнинг ўзида жумлаларни тақрорласангиз, рус тилида фикрлашга зарурият қолмайди. Сиз фикрламасдан, устозингиз айтганини тақрорлайсиз. Ҳатто ўқитувчи нима деганини тушиунмаслигингиз ҳам мумкин, аммо тақрорлашда давом эта-сиз. Мутахассисларнинг эътироф этишича, чет тилидаги сўз, ибора, сўз бирикмалари ва гапларни қисқа вақт ичida тушиуниш ҳамда равон сўзлашга яқиндан ёрдам берадиган са-марадорлиги юқори бўлган усул – қулоқ солиш ва жавоб қайтариш саналади. Айниқса, қисқа ҳикояларни тинглаш ва саволларига жавоб беришнинг аҳамияти бекиёс. Бу ҳикоянинг маҳсус тури бўлиб, ўқитувчи қисқа тарихни сўрайди. Мазкур усулнинг юқоридаги машқдан фарқи: устоз ҳикоя айтиб бермайди, у ҳикояни ўқувчилардан сўрайди. Ўқитувчи жуда кўплаб содда ва осон саволлар беради. Нима учун? Чунки тил ўрганувчилар саволларга тўхтамасдан, жавоб қайтаришлари керак. Саволни эшитди – жавоб қайтарди, са-волни эшитди – жавоб қайтарди. Бу ҳақиқий суҳбат каби кўринади. Агар сиз «Тинглаш ва жавоб қайтариш» усулидан фойдалансангиз, тез тушиуниш, тез жавоб қайтариш ҳамда тез, равон сўзлашни ўрганасиз. Натижада, рус тилида фикрлаш кўнилмалари шаклланади ва жумлаларнинг тар-жимаси учун ортиқча бош қотирмасдан, иккиланмасдан га-пира оласиз. Қуйидаги ҳикояга зътибор беринг:

«Хицкий зверь.

Волк – хицкий зверь. Он похож на большую собаку. Тело его покрыто грубой шерстью. Ноги длинные. Он может бегать быстро. Пасть у него большая. Зубы острые. Зимой и летом он ищет добычу».

«Қисқа ҳикояларни тинглаш ва саволларга жавоб бериши»
усулига мувофиқ ўқитувчи осон саволларни беради. Чунки,

AXBOROT-KUTUBXONA
MARKAZI

қийин савол берилса, сиз ўйлаш учун тұхтаб қоласиз. Агар савол осон бўлса, шу заҳоти жавоб қайтарасиз, бу бир-икки сўздан иборат. Мисол тариқасида:

- *На кого похож волк?*
- *Какого он цвета?*
- *Каким зверем является волк?*
- *Какие зубы у волка?*
- *Чем покрыто тело волка?*
- *Когда он ищет добычу?*

Шу каби кўплаб саволлар беришда давом этиш мумкин. Бундай осон саволларга тез ва доим жавоб қайтарасиз. Бу жуда катта аҳамиятга эга жараён. Китобдан жой олган «Кичик ҳикоялар. Короткие рассказы» бўлимида кўплаб ҳикоялар берилган. Амалиётда қўлланг. Мазкур усулнинг сеҳрли кучидан баҳраманд бўлинг.

Қисқа ҳикояларни диққат билан тингланг ва саволларга жавоб беринг!

8-қоида

Тўғри ва ифодали талаффузда сўзлашни ўрганинг.

Ўзбек тилида урғулар асосан сўзнинг охирги бўғинига тушади. Рус тилида эса ургу сўзнинг боши, ўргаси ва охирги бўғинига тушиши мумкин. Яъни, у эркин бўлади. Масалан, «потолок» сўзида ургу охирги бўғинга, «лётчик» сўзида биринчи, «космонавт» сўзида охирги (учинчи) бўғинга тушган.

Маълумки, ургу тушган бўғин бошқа бўғинлардан овоз кучи билан ажратилади. Ургу белгиси (F) зарбдор бўғиндаги унли устига қўйилади. Ургу тушадиган унли товушлар (ҳарфлар) аниқ тўғри ва бироз баланд талаффуз қилинади: **молоко - [малако], лес - [лес], космонавт - [касманавт].**

Ургусиз бўғинларнинг унлилари, одатда, тўғри айтилмайди:

[o] ҳарфи зарбдор бўлмаган бўғинда [a] товушига яқин айтилади. Масалан, молоко - [малако];

[e] ҳарфи зарбдор бўлмаган бўғинда [i] товушига яқин айтилади. Масалан, леса - [лиса].

Рус тилидаги ургунинг бошқа тиллардаги ургудан ажрапиб турадиган мұхим хусусияти – унинг ҳаракатланиши саналади. Масалан: **хорошо – хорошего, вечер – вечерняя.**

Агар сүзда [ё] товуши бўлса, ургу фақат шунга тушади. Масалан: **лётчик, своём, ребёнок, бельё, приём.**

Ургу ёрдамида сўзлар маъноси ажратилади: 1) **село** – қишлоқ, село – ботди 2) **сөрок** – қирқ, сорок – зағизғон 3) **потом** – пешана тери билан, потом – кейин 4) **спала** – пасайди, спала – ухлаётган эди 5) **знаком** – таниш, знаком – белги билан.

Биз сизга рус тилида тўғри ва ифодали сўзлашнинг самарали йўлларидан бирини тавсия этамиз: бу – **тинглаш**. Қанчалик кўп тингласангиз, олдингизга қўйган мақсадга шунча тез етасиз – тез орада рус тилида тўғри ва ифодали талаффузда сўзлай бошлайсиз. Қуйида ҳаётий бир воқеани ҳикоя қилиб берамиз.

ҲИКОЯ

Папуа Тайванда туғилган. У 20 ёшида Москвага кўчиб борди. Папуа Тайванда бир неча йил рус тили билан шуғулланган эди. Москвага борганида у муаммога дуч келди: рус тилида сўзлаганда ҳеч ким уни тушунмасди. Одамлар Папуага ҳайрон бўлиб қарашар ва саволларига «**Что сказали?** (Нима дедингиз?), «**Извините (кечирасиз)?**», «**Я вас не понял(а).** (Мен сизни тушунмадим)» каби жавоб қайташишарди.

Бу ҳолат унга анча қийинчилик туғдирди. У талаффузини тўғрилаш учун рус тили курсларига қатнади, аммо бундан наф чиқмади. Кейин эса ўзи камчилигини йўқотишга қарор қилди. У олти ой давомида кичикроқ аудиокитоб топиб, қайта-қайта тинглади, ўрганди ва фақат бир нарсага диққат-эътиборини жалб этди. Бу талаффуз эди. Папуа олти ой давомида аудиокитобни тинглаш баробарида ҳар бир сўз охирида овозли матнни тўхтатиб, қайта ўзи такрорлар, талаффузидаги камчиликларни илғаб тўғрилашга ҳаракат қиласади. У диққат билан тингларди.

Папуа рус тилидаги сўзлар, гаплар оҳангига, талаффузга диққатини жамлади. Биламизки, талаффуз – бу ингичка-йўғонлик, ритм ва оҳанг мужассамлиги.

Ҳозир Папуа соф рус тилида сўзлайди. Унинг талаффузида нуқсон йўқ.

Папуа икки сир – чуқур ўрганиш ва талаффузга диққатни жалб қилишдан вақиф бўлди. У ҳар куни битта аудиокитобдан фойдаланди ва сўзларни кўп марталаб тақрорлади. Ҳар бир гал, ҳар бир жумла, товуш оҳангини ўрганди. Шунингдек, қачон қай тарзда товушни пасайтириш ёки кўтариш, бўғинларни чўзиб айтиш ва тез айтиш кераклигини ўрганди. Натижада, тилни рус миллиатига мансуб кишилардек тўғри ва ифодали талаффуз этишга муваффақ бўлди. Сиз ҳам Папуа каби натижага эриша оласиз. Бунинг учун ҳар куни у сингари 15 дақиқадан талаффузни машқ қилинг.

Талаффузингизни тўғрилаш вақти келди. Зеро, сиз рус тилида сўзлаганингизда ўзгалар сизни тушунишини хоҳлайсиз. Бунинг учун тўғри талаффуз қилишингиз керак.

Тўғри ва ифодали талаффузда сўзлашни ўрганинг!

9-қоида

Рус ибораларини ўрганинг

Иборалар – маъноси бир сўзга тенг келадиган гап ёки сўз бирикмалари. Иборалар ҳар доим кўчма маънода ишлатилади. Ибораларни ташкил қилган ҳар бир сўзни таржима қилиб маъносини чиқариб бўлмайди. Ибораларнинг бутун ҳолда ўз (кўчма) маъноси бор. Мулоқотда жуда кўплаб иборалардан фойдаланилади. Агар сиз рус тилини ўрганишни хоҳласангиз мазкур тилдаги ибораларни, албатта, билишингиз керак.

Ушбу китобда рус тилида кўп қўлланиладиган иборалар рўйхати берилган. Иборалар алифбо тартибида кела-ди, маъноси рус тилида изоҳланган. Шунингдек, иборалар иштирокида тузилган гаплар уларни ёд олиш ва эслаб қолишни янада енгиллаштиради.

Ибораларнинг қўлланиш шакллари қавс ичидаги берилди, масалан:

БОЛЬШЕЙ ЧАСТЬЮ «по большей части».*

БОЛЬШЕ «более» **ВСЕГО**.

ГЛАЗД РАЗБЕГДЮТСЯ «разбежались».

Кўп маъноли ибораларнинг маънолари тартиб рақамида кетма-кет берилади, масалан:

В ОДИН ГОЛОС. 1. Все вместе, одновременно.

2. Согласно, единодушно, единогласно.

Иборалар алифбо тартибида тугалланмаган шаклдаги феъл (несовершенный вид) билан берилади. Тугалланган шаклдаги феъл (совершенный вид) қуидаги тартибда жуфт кўринишда кўрсатилади.

ВЗЯТЬ СЛОВО. см. **БРАТЬ СЛОВО**.

ДОВЕСТИ ДО СВЕДЕНИЯ. см. **ДОВОДИТЬ ДО СВЕДЕНИЯ**.

Ибора-сионимлар (\approx) белгиси билан, ибора антонимлар (\neq) белгиси билан кўрсатилади, масалан:

В ПЕРВУЮ ОЧЕРЕДЬ. Сначала, сперва, раньше всего.

\approx **В первую голову, первым делом, прежде всего.** \neq **В последнюю очередь.**

Қандай қилиб ибораларни ўрганасиз?

Китобнинг «Иборалар» бўлимида иборалар тўплами ва улар иштирокида тузилган гаплар бор. Сиз уларни ўрганинг, яхшилаб ёд олинг. Қачонки рус тилидаги фильм, телекўрсатув, радиоэшигтиришларни, аудиокитобларни тинглаганингизда ёки китоб, газета-журнал кабиларни ўқиганингизда ибораларни учратасиз ва, албатта, тушунасиз.

Кўпроқ шуғулланинг ва сабр-тоқат билан иш тутинг. Тил ўзлаштириш учун вақтингиз кетади, аммо сиз ўз олдингизга қўйган катта мақсадингизга эришасиз. Ишонинг, сиз рус тилини тўлиқ тушунасиз ва сўзлай оласиз.

Ибораларни ўрганинг!

* Қўлланмада сўз ва ибораларнинг ургу тушган товуши остига чизиб кўрсатилди.

Ёхуд энг мұхым 8 тавсия

Тил ўрганиш психологиясінің биласизмі? Инсон психологиясінің муваффақияттағы әрішишдегі ұсқаси 80, усул еса атиғи 20 фоизни ташкил этади. Баъзиларнинг тил ўрганишдегі қобиляти ва қызықиши күчли бўлади. Айримлар эса мактабда, ишда, бизнесда, турли муносабатларда муваффақиятли шахслар ҳисобланишса-да, рус тилида осон ва равон сўзлай олишмайди? Муаммо нимада? Нима учун ҳамма нарсани муваффақиятли уddyалаган кишилар бу соҳада натижага эриша олмаяпти? Бу саволнинг жавоби иккита:

1. Самаrasiz усул ва қоидалар.

2. Салбий психология.

Юқорида узоқ йиллар давомида чет тилини ўрганиш услуби бўйича изланишлар олиб борган машҳур мутахассисларнинг самарали усуллари билан танишдингиз. У рус тилида равон, тўғри ва ифодали сўзлаш ҳамда тушунишга ёрдам беришга мўлжалланган. Аммо ушбу усул ва қоидалардан тўлиқ фойдаланган тақдирда ҳам, тилни тўлиқ ўзлаштириш камлик қиласди. Тони Робинснинг айтишича, «Энг яхши усул ва қоидалар ҳам муваффақиятнинг атиғи 20 фоизини ташкил этади. Қолган 80 фоиз инсон психологиясига боғлиқдир». «Психология» деганда биз ундаш, қувват, ишонч, асос ва эмоцияни назарда тутмоқдамиз. Тил ўрганиш психологиясіні билиш орқали рус тилида равон ва тўғри сўзлай олиш кўнимасини қисқа вақтда ўзлаштирасиз. Сиз ҳиссиётларингизни бошқаришни ўрганишингиз, муваффақиятта гэлтувчи руҳий ҳолатни ривожлантиришингиз керак. Бунинг йўлларидан бири – эмоционал ҳолатингизни бошқаришdir. Ноxуш эмоционал ҳолат муваффақиятсизликка олиб келади. Ижобий эмоционал ҳолат эса автоматик равишда муваффақиятга бошлайди. Масалан, агар сиз тез-тез чартоқ, зерикиш, депрессия ҳолатига тушсангиз, сизнинг ўрганишингиз самаrasiz ҳаракатдан иборат бўлади. Бир ўйлаб кўринг-а, диққатингиз паст, хотирангиз суст, эсанкираган ёки эринганд ҳолда бирор ижобий натижага эришиш мумкинми? Чет тили билан шуғуланаётган-

да ҳар доим ҳиссиётларингизни бошқаринг, яни иштиёқ, гайрат, хушкайфият ва сабрлилик каби фазилат ва ҳис-туйғуларни йўқотмасликка ҳаракат қилинг. Аудиокитоблар тингланганда ёки китоб мутолаа қилаётганингизда жилмаяётганингизни, кулаётганингизни, қувноқлик ҳиссини тасаввур қилинг. Бу тез ўрганишингизга ёрдам берадими? Сизни дикқатингиз ошадими? Сиз натижаларга тез эришасизми? Ҳамма саволга жавоб «Ҳа», «Ҳа». Буни қандай амалга оширасиз? Қандай қилиб эмоционал ҳолатингизни энг юқори нуқтага олиб чиқасиз? Қўйида келтирилган тавсияларни тил ўрганиш билан боғлиқ дарсларни бошлишдан олдин бажаринг!

1. Ёқимли, шиҷоатни оширадиган ўзингиз севиб эштадиган мусиқаларни топинг.

2. Рус тили дарсларингизни тинглашдан аввал мусиқани қўйинг.

3. Ёқимли мусиқа янграши билан бошингизни кўтаринг. Нигоҳингизни юқорига қаратинг. Гавдангиз ҳолатини ўзгартиринг, кафтларингизни белингизга боғланг. Тик туринг ва оғзингиз қулоққа етгудек жилмайинг ҳамда чуқур нафас олинг.

4. Гавдангизни ҳаракатлантиринг, рақсга тушинг. Нигоҳларингизни ўзгартириманг, табассумингизни йўқотманг. Сакранг ва рақсга тушинг, қўлларингизни баланд кўтаринг. Ана шунда сизда ёқимли, кўтаринки кайфият пайдо бўлади.

5. Тўхтатинг ва баланд овозда қайтаринг: «Ҳа», такрорланг «Ҳа», яна бир марта «Ҳа».

6. Рус тили дарсларини бошлишган. Тинглай туриб, кафтларингиз белда, нигоҳингиз тўғрига йўналтирилган бўлсин. Табассумингизни йўқотманг. Юринг ва чуқур-чуқур нафас олинг.

7. Қисқа ҳикояларни тинглаганингизда, ҳар бир саволга ҳамиша баланд овозда жавоб қайтаринг, уялманг. Бошингиз ва нигоҳингиз тепага қараган, юзингизда тўлиқ табассум бўлсин.

8. Агарда чарчасангиз ёки зериксангиз, машғулотни вақтинча тўхтатиб туринг. Ёқимли мусиқангизни қўйинг ва ҳаммасини қайтадан такрорланг, ҳиссиётларингиз ва гайратин-

гизни энг юқори даражага олиб чиқинг. Кейин машғулотни давом эттириңг. Бундай усулдаги ҳис-туйғуни бошқариш орқали сиз кўп нарсани эслаб қоласиз ва 3-4 марта тезроқ ўрганасиз. Шунингдек, ҳар доим рус тилида сўзлагандага ўзингизда куч ва ишонч бўлишига эришасиз. Унумтманг, тил ўрганаётганингизда энг юқори ҳиссий ҳолатда бўлинг, ана шунда рус тилини тез, осон ўзлаштирасиз.

РУҲИЙ ИЧКИ КЕЧИНМА (ЭМОЦИЯ) АҲАМИЯТИ

Мазкур бўлимда руҳий ички кечинманинг тилни тез ва равон ўрганишдаги аҳамияти ва уни қандай қилиб юзага келтириш ҳақида ўрганамиз.

Доктор Стивен Крашеннинг кўп йиллик тадқиқотларидан маълум бўлишиба, зерикиш, стресс, ўзини ёмон ҳис қилиш, доимий хавотир, хоҳламасдан мажбуран амалиётга киришиш каби салбий ҳис-туйғулар тез чарчатади, ихлосни қайтариб, ўзлаштиришингизни секинлаштиради. Натижада миянинг ахборот қабул қилиши сустлашади, у ўз вазифасини тўғри ва тўлиқ бажармайди.

Мазкур тадқиқот қўйидаги тарзда ўтказилди:

Чет тилини ўрганувчи турли ўшдаги кишилар икки гурӯҳга бўлинди. 1-гуруҳда доимий қувноқлик, ҳушчақчақлик муҳити сақланиб, дарс қизиқарли тарзда ўтказилди. 2-гуруҳдаги ўқувчиларга эса жиддий муносабатда бўлинди. Уларда жуда кўп марталаб стресс ҳолати кузатилди.

Бойдан сўнг ҳар иккала гурӯҳ синовдан ўтказилди. Эслаб ўтамиз, иккала гурӯҳга бир хил дарс ва бир хил дарс соати ажратилган. Фақат муносабат ва дарс ўтиш усули турлича эди: 1-гуруҳда жўшиқинлик, ҳушчақчақлик муҳити, 2-гуруҳда эса, аксинча, жиддийлик муҳити сақланди.

Натижада бир-биридан кескин фарқ қиласиди: биринчи гурӯҳ ўқувчиларининг чет тилида сўзлаши, тушуниши ҳар бир кўрсаткичда иккинчи гурӯҳдан устун эди.

Иккинчи гурӯҳдагиларнинг чет тилини ўзлаштириши эса жуда паст, нутқи ғализ, жумлаларни ёд олиши суст, грамма-

тик хатолари күп – умуман, барча күрсаткычлари қониқар-
сиз эди. Агар ўзлаштириш жараёнида салбий эмоция, ўзини
нохуш ҳис қилиш, ишончсызлик, тушкунлик кайфияти мав-
жуд бўлса, албатта, натижаси салбий бўлади. Қуйида бу-
нинг ечимини ўрганамиз.

Мұҳтарам тил ўрганувчи, мактаб, коллеж, махсус курс-
ларда аксарият дарс ва машғулотлар қизиқарли, ҳушчақчақ-
лик билан ўтказилишини камдан-кам учратгандирсиз. Зоро,
кўпчилик ўқитувчилар доимо жиддий бўлишади ва ўқувчи-
лардан ҳам жиддийликни талаб қилишади. Пашиба учса эши-
тиладиган, зерикиш ва хавотир кезиб юрган аудиторияда
ўзлаштириш ҳам паст бўлади. Устознинг дарсга бундай ёнда-
шуви, бизнингча, асосий камчилик ҳисобланади. Мутахас-
сисларнинг эътироф этишича, ижобий руҳий ички кечинма-
ни сақлаб қолиш ва шакллантириш тил ўрганишда қўлла-
ниладиган усувлардан ҳам кучли ҳисобланади.

Бошқа устунлигини ҳам кўриб чиқамиз:

Агар сиз мулоқот чоғида ўзингизни эркин ва кучли ҳис
қилсангиз, рус тилида бемалол сўзлай бошлишингиз мум-
кин. Аммо рус тилида гапирмоқчи бўлсангиз, асабийлаша-
сиз, шундай эмасми?

Асабийлашган вақтингизда сўз бойлигиниз, граммати-
кани билиш даражангиз зўр бўлса ҳам, билганингизни
қўллай олмайсиз, онгингизда қаршилик, муаммо юзага ке-
лади. Барча салбий ҳиссиётлар миянгиз фаолиятини бузади,
мия ўз вазифасини аниқ ва тўлиқ бажармайди.

Бу ҳақда мутахассислардан сўралганда улар шундай жа-
воб беришган: «курсларда маълум муддат қатнашган ўқув-
чилар мен билан мулоқот қилганда, тўғри, равон, тутилмас-
дан сўзлашади. Уларнинг чет тилини тушуниши, янги сўзлар-
ни илғаб олиши тез кечади ва бундан барча мамнун. Тил ўрга-
нувчилар мен билан мулоқотда ўз фикрларини аниқ ва равон
ифода этишади, чунки улар ўзларини эркин ҳис қилишади.
Аммо бетона инсонлар билан мулоқотда бўлганда бунинг та-
моман акси юз беради. Улар асабийлашишади, уялиб қолиш-
дан хавотирга тушишади ва бирданига тутилиб сўзлай бош-
лашади».

Эътибор беринг, айнан бир ўрганувчи биринчи ҳолатда түгри гапиради, бошқа ҳолатда тутилиб қолади, сўзлай олмайди. Сабаби нимада?

ИЖОБИЙ ВА САЛБИЙ ҲИС-ТУЙГУ ҲАҚИДА

Мутахассисларнинг эътироф этишича, айрим устозларнинг дарс ўтиш жараёнида салбий руҳий ҳолат кўп кузатилади. Мазкур муаммо устида олиб борилган тадқиқотлар натижасида асабийлашишни йўқотиш мақсадида ижобий, кучли эмоцияни шакллантириш йўллари ишлаб чиқилди.

Зеро, тил ўрганиш жараёнида ижобий ҳис-туйгу жуда мұхим. Масалан, устозингиз бугун соат 5:30 да уйғонди. Кечаке кечқурун кўп ишлаб, жуда кеч ётган эди. 6:30 да дарси бор. Демак, у ўзини анча ҳорғин ҳис этмоқда, кайфияти ҳам бир аҳволда. Ўқитувчи бу ҳолатни ўзгартириши керак. Унга дарс ўтишга иштиёқ, хоҳиш уйғотиш, хуш кайфият лозим. Ўрганувчи, сизга ҳам, албатта, тилни ўзлаштиришингиз учун кучли иштиёқ, хоҳиш керак. Устознинг мақсади ва вазифаси сизга бор билимини бериш, рус тилида гапира олиш кўникмаларини сингдирисанади. Бунинг учун дарс ўтишга иштиёқ керак, салбий ҳис-туйгуни ижобийга ўзгартириш шарт. Сиз ҳам ўз навбатда иштиёқни кучайтиришингиз керак.

Буни қандай шакллантиришни ўрганамиз:

Ижобий, кучли ҳиссиётни шакллантириш учун 3 та маҳсус машқ тавсия этилади. Бу машқларни түгри бажарсангиз, рус тилини ўзлаштиришингиз фаоллашади.

Руҳий ички кечинмаларни ижобийлаштириш, яъни танангизда кучли, ижобий эмоция ҳосил қилиш учун қўйидаги машқларни бажаринг:

I-машқ: танангиз ҳолатини фаоллаштиринг

Кўуллар пастга ташланиб, бошни олдинга эгиб, бўш қўйилади. Кўзлар ҳам пастга қаратилади. Умуман, бутун тана бўш қўйилиб, сокин ҳолатга келтирилади. Агар сиз орқангиз билан стулга суюнган бўлсангиз шу ҳолатда бўлинг. Яъни,

құлларингизни бүш қүйиб, гавданғиз чүккан, бошингиз пастта эгилган, күзларингиз пастта қараган ҳолда ўтирибсиз. Бу құвватингизни жамлайди ва эмоциянгизни ўзгартиради. 5 дақиқадан күпроқ шу ҳолатда бўлинг. Буни бажариш жуда осон-ку, шундай эмасми? Ҳар ким буни қила олади.

Кейинги жараён: қўлларни белга қўйиб бошни баланд кўтаринг. Нигоҳингизни олдинга қаратинг, тўғри ўтиринг ва жилмайинг – бу жуда керак.

Ҳоргин, чарчаган аҳволда бўлсангиз ҳам, салбий ҳистайғуларга эрк бермасдан табассум қилинг. Бу машқни ҳам 5 дақиқадан күпроқ давом эттиринг. Бажаринг! Табассум қилтанингизда, виқор билан ўтирганингизда нохуш кайфият арий бошлайди. Сиз чиройли табассум қилиб, қўлларингиз белингизда, қаддингиз рост ҳолда ўтирибсиз. Бу қийин эмас. Ишонтириб айтамизки, бунинг самарасини тезда ҳис қиласиз.

Бажаришингиз керак бўлган яна бир машқ – тик оёқда туриш. Қўлларингиз белда, бошингиз баланд кўтарилган, тик оёқда турибсиз. Бундай вазиятда гавдангизни эркин ҳаракатлантира оласиз. Асосан тинглаб ўрганаётганингизда айни тик оёқда бўлинг, бу билан ижобий, кучли эмоцияни шакллантирасиз. Ижобий, кучли эмоция ўз навбатида мия ишлашини фаоллаштиради: диққатингиз ошади, эслаб қолишингиз кучаяди.

2-машқ: ҳаракат, танани ҳаракатлантириш

Биринчи машқ тана ҳолати билан боғлиқ әди: жилмайиш, тик туриш ва ҳоказо... Иккинчи машқ эса танангизни ҳаракатлантириш. Тананинг ҳаракатланиши ижобий ҳис-туйғуларни шакллантиради, тана құвватини оширади. Бу орқали сизнинг чет тилини ўзлаштиришингиз фаоллашади.

Кичик ҳикояларни ўқиша, ўқиб саволларга жавоб берадётганда танангизни, қўлларингизни, кифтларингизни ҳаракатта келтиринг.

Балки одамлар орасида бу каби аҳволда бўлиш сизга ноқулайлик туғидиар, аммо уйингизда шароит бор. Эшикни маҳкам ёпиб олинг. Шундай қылсангиз оила аъзоларингиз

безовта қилишмайди. Тик оёқда туриб кичик ҳикояларни овоз чиқариб ўқинг. Саволларга жавоб берадиганда қўлларингизни, танангизни ҳаракатлантирингт. Мазкур ҳаракатлар сизни умуман чарчатмайди, балки сиздаги иштиёқ, шижаотни оширади. Бундай усул ўтириб ўрганишдан фарқ қиласди. Ба-жаринг! Сиз унинг самарадорлигига ишонмаслигингиз мумкин, шундай бўлса-да, амалда синааб кўринг. Ана шунда ўзлаштиришингиз фаоллашади, тил ўрганиш иштиёқи янада оргади, ишонч ва куч ҳосил бўлади.

3-машқ: овоз

Бу чет тилини ўрганаётган инсонларнинг кўпчилигига учратиш мумкин бўлган камчиликлардан бири. Ҳаётий мактублардан бирини мисол келтирамиз: «Менинг хотиним Томоёданинг миллати япон. У инглиз тилини яхши билади, аммо шуниси ачинарлики, у ўзга кишилар билан мулоқотга киришганда овози пасайиб, нутқи сустлашади ва асабийлашади. Мен билан у жарангдор овозда, эмин-эркин мулоқот қиласди. Аммо, бегона инсонлар билан суҳбатлашганда хавотирга тушади, шу сабабли унинг овози пасайиб бораверади. Овози пасайган сари, ўзини ноқулай сеза бошлайди. У хато гапириб қўйишдан қўрқади, натижада жуда паст, ишончсиз овозда сўзлайди. Шундай қилиб: унинг овози пасаяди, ўзини хато гапираётгандай ҳис қиласди. Бу ҳолат қайта-қайта такрорланаверади. Натижада сўзларни ноаниқ талаффуз қиласди, тутилиб гапира бошлайди. Сабаби нима? Унинг тил бойлиги ўзгармади, фақатгина руҳий ички ҳолати ўзгарди, холос».

Кичик ҳикояларни баланд овозда ўқинг ва саволларга баланд овозда жавоб беринг.

Сиз кучли инсонсиз. Тик оёқда туриб, танангиз, қўлларингизни ҳаракатга келтиринг. Баралла овозда гапиринг.

Балки автобус, мётрод, одамлар гавжум жойда ушбу ҳаракатларни қилишнинг иложи йўқдир, аммо уйингизда шароит бор. Хонангиз эшигини маҳкамлаб олинг. Оила аъзоларингиз эшик орқасидан жарангдор овозингизни эши-

тиши мумкин, балки кулишар. Бундай ҳолатларга умуман эътибор берманг.

Ижобий ҳис-туйғуларнинг рус тилини ўрганишни хоҳловчилар учун қанчалик аҳамияти катталигини тушунтира олдик, деб ўйлаймиз. Унутманг: бу мутахассислар томонидан тавсия этилган чет тилини осон ва тез ўрганишнинг самарали усувларидан бири.

БЕШ АСОСИЙ ХАТО

Рус тилини ўрганувчиларнинг асосий камчиликлари нимада?

Рус тилини тезроқ ўрганиши учун қайси хатоларни түзгилаш керак?

Қўйида тил ўрганишда йўл қўйиладиган беш асосий хато ни санаб ўтамиз.

БИРИНЧИ ХАТО – грамматик қоидаларни ўрганишга муккасидан кетиш.

Грамматик қоидаларни ўрганишга қаттиқ берилиш рус тилини тез ва осон ўрганишнинг самарали усулларига кирмайди. Чунки грамматик қоидаларни эслаб қолиш ва мантиқан қўллаш жуда мураккаб, сўзлашув эса жуда тезкор жараён ҳисобланади. Сизнинг мулоқот чоғида юзлаб грамматик қоидаларни эста солиш, таҳлил қилиш, тўғрисини танлаш, кейин қўллаш учун вақтингиз йўқ. Бутун фикрингизни чулғаб олган мазкур таҳлил анча мураккаб иш бўлиб, сизнинг зўриқишингизга сабаб бўлади. Сиз рус тилини, ундаги айрим қоидаларни ички ҳис, интуиция билан ёш болалар каби ўрганишнинг мумкин. Бунинг учун рус тилидаги жуда кўп қизиқарли, тушунарли фильм, телекўрсатув, радиоэшиттиришлар ва аудиокитобларни кўриб, тинглашингиз керак.

ИККИНЧИ ХАТО – мажбурий сўзлаш.

Тил ўқитувчилари ўқувчиларини чет тилида сўзлаш учун тайёр бўлмасалар ҳам мазкур тилда гапиришга мажбурлайдилар. Натижада ўқувчилар жуда секинлик билан ноаниқ, тушунарсиз жумлаларни фўлдираб сўзлайди. Уларда журъатсизлик, тутилиш, кулгуга қолишдан қўрқиши каби салбий ҳолатлар юзага келади. Сўзлашга мажбураш жуда катта хато. Сўзлаш учун ўзингизни мажбурламанг. Тинглаш жараёнида диққатни жамланг ва сабр қилинг, шошилманг. Рус тилида сўзлаш ўз-ўзидан ҳосил бўлади. Сиз равон, ҳеч қандай зўриқишисиз, тўғри ва табиий равишда сўзлай бошлайсиз. **Буни унуманг!**

УЧИНЧИ ХАТО – фақат илмий, расмий, бадий услубдаги рус тилини ўрганиш.

Тил марказларида асосан илмий, расмий, бадий услубдаги рус тилини ўрганишади. Муаммо шундаки, мулоқот давомида бундай услубдаги рус тилидан кенг фойдаланмайсиз. Сиз дўстларингиз, оила аъзоларингиз ёки ҳамкасларингиз билан мулоқотда оддий, норасмий, сўзлашув услубига хос рус тилини қўллайсиз. Сўзлашда турли иборалар, шева, жаргонларни ишлатасиз. Агар ҳар қандай киши билан рус тилида эркин ва равон мулоқот қилишни хоҳласангиз, расмий, адабийгина эмас, балки сўзлашув услубига хос рус тилини ўрганишни ҳам канда қилманг.

ТЎРТИНЧИ ХАТО – мукаммал бўлишга ҳаракат қилиш.

Тил ўргатувчи ва тил ўрганувчилар хатоларга кўпроқ эътибор қаратишади. Улар хатоларини тўғрилашга ҳаракат қилишади. Ўрганувчилар кўпинча хатолари ҳақида, шунингдек, хатолари кўплигидан қайғуришади. Улар бутун эътиборларини бехато гапиришга жалб этишади. Асосий мақсадингиз бехато сўзлаш бўлмасин, балки мулоқотга киришиш, ўз фикрингизни тушунтира олиш бўлсин. Сизнинг хатоларингиз ўз-ўзидан йўқолиб боради ва маълум вақтдан сўнг рус тилида бехато сўзлаш малакаси пайдо бўлади.

БЕШИНЧИ ХАТО – «рус тили курсларига борсам, албатта, тилни ўрганаман», деб ҳисоблаш.

Кўпчилик инсонлар «Махсус тил курсларига борсам, албатта, рус тилини ўрганаман», деб ўйлашади. Тўғрироғи, чет тили курсларини ўз мақсадларига эришишда маъсул деб ҳисоблашади. Бу умуман нотўғри. Унуманг, ҳар доим ўзингиз учун ўзингиз масъулсиз, ўқитувчи ўргатиши мумкин, аммо сабоқнинг 99 фоизи ўзингизга, 1 фоизи ўргатувчига боғлиқлиги ёдингизда бўлсин. Тил ўрганиш учун юқорида санаб ўтган услубларга риоя қилинг. Ўз хоҳиш-истакларингизни бошқаринг ва қизиқиш, гайратни сўндиримасликка ҳаракат қилинг. Бунда вақт ўтгани билиммайди, дарсларни ўзлаштириш самарадорлиги ошади.

Сиз журъатли ва оптимист инсонсиз. Ўз олдингиздаги масъулиятни чет тили ўқитувчилари зымасига юкламанг. Агар ўзингизда интилиш ва масъулият ҳисси бўлмаса, ҳеч қайси ўқитувчи ёки чет тили курсларидаги ўргатувчилар мақсадингизни амалга ошира олмайди. Фақатгина ўзингиз мақсадингизни амалга оширасиз, ўзингиз рус тилини ўргана оласиз. Агар талаффузда хатоларингиз кўп бўлса, бунинг ёмон жойи йўқ, чунки хатоларингизни тузата оласиз. Улар ўз-ўзидан йўқолиб боради ва маълум муддатдан сўнг рус тилини ўзлаштирасиз. Сиз жуда тез ўргандингиз. Талаффузингиз ажойиб. Сиз равон сўзламоқдасиз.

Ва албатта бундан жуда ҳам мамнунсиз!

Омад сиз томонда!

Сиз мақсадингизга эришдингиз!

Қандай қилиб рус тилидаги сўз бойлигинингизни оширишингиз мумкин?

Қандай қилиб рус тилида равон, тўғри сўзлай оласиз?

Натижага эришишингиз учун узоқ вақт керакми?

Сиз жуда тез фурсатда бунга эриша оласиз. Ҳозир бир неча ўтказилган тадқиқотлар натижалари билан танишасиз. Тадқиқотлар тўғри йўл танлашга имкон беради ва мукаммал тарзда олиб борилади. Агар тўғри йўлни қўлласангиз, рус тилини ўзлаштиришингиз фаоллашади.

Нималарни қиласлик керак?

Ўзингиз тушунмайдиган, ўта қийин сўзлардан ташкил топган рус тилидаги мақолалар ва китобларни ўқиманг, фильм, телекўрсатув, радиоэшиттиришларни ва аудиокитобларни тингламанг. Дастрлабки босқичда бундан тийилинг. Бу каби йўл тутиш рус тилини ўзлаштиришингизни сустлаштиради. Кўпчилик ўрганувчилар жуда қийин сўзлардан иборат мақолалар, китоблардан ёки фильм, телекўрсатув, радиоэшиттиришлар ва аудиокитоблардан фойдаланишини маъқул деб ҳисоблашади. Улар катта луғат китоблардан фойдаланиб, билмаган сўзларини улардан анча вақт излашади, кейин ёнидаги иккинчи сўзни топишга киришишади. Уларнинг асосий вақти луғатдан сўз топиш билан ўтади. Кичикроқ мақолани ўрганиш учун ҳам жуда узоқ вақт кета-

ди. Бу билан, тез ўрганамиз деб ўйлашади, аммо бу мутлақо нотүгри.

Осон сўзлардан иборат қизиқарли китоблар, мақолаларни ўқиш, фильм, телекүрсатув, радиоэшилтиришлар, аудио-китобларни тинглаш энг самарали йўл.

Агар қисқа вақт ичида рус тилини ўзлаштиришни ва меҳнатингиз мевасини тотишни хоҳласангиз, қизиқарли, сода жумлалардан ташкил топган китоблар ҳамда материалларни ўрганишингиз керак. Сиз танлаган манбалар осон сўзлардан иборат бўлсин, токи ҳар бир жумлани тушунишингиз учун лугатни титкилашга куч сарфламанг. Агар китоблардаги аксарият сўзларни тушунмасангиз ва уларнинг таржимаси учун лугат керак деб билсангиз, демак, бу сиз учун қиинлик қиласиди. Маслаҳатимиз: бундан ҳам осонроғини топинг. Камида 90 фоиз тушуна олинг. Агар сиз матн маъносининг 90 фоизини тушунсангиз, нотаниш сўзларнинг таржимасини тушуниб олишингиз осон кечади.

3-5 мартаға самаралироқ.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сиз учун мураккаб, тушунарсиз сўзлардан иборат китоблар ва бошқа манбаларга нисбатан осон сўзлардан ташкил топган матнларни ўрганиш 3-5 марта осонроқ кечади.

Сиз қандай материалларни ўрганишингиз керак?

Ўзингизга ёқадиган, маъкул келадиган ҳар қандай манбалар: болалар адабиёти, саргузашт, ҳажвий, илмий ва бошқа мавзудаги китобларни мутолаа қилишингиз мумкин.

9 ойлик меҳнатингиз натижаси.

Агар ҳар куни 1 соатдан шуғуллансангиз, узлуксиз рашишда тил бойлигингиз ошиб бораверади. Ишонтириб айтамизки, ўзларига қийин бўлган матнларни ўрганаётганларга нисбатан жуда тез натижага эришасиз. Сўзлари осон ва қизиқарли китобларни мутолаа қилинг.

СИЗ БИЛМАСВОЙ ЭМАССИЗ

Олимлар томонидан тил ўрганувчилар йўл қўяётган хатолар юзасидан турли мунозаралар ўртага ташланган. Бу ҳақда бир-биридан кескин фарқ қилувчи фикрлар, қарашлар мавжуд.

Кўпчилик чет тили ўқитувчилари хатони тўғрилаш зарур деб ҳисоблашади. Ўрганувчилар ҳам ўз навбатида хатолари тўғриланишини маъқуллайдилар. Айрим мутахассислар эса дарс жараёнида ҳеч қачон хатони тўғриламаслик лозимлигини уқтиришади.

Аксарият рус тили курсларида хатони тўғрилашни доим амалда қўллашади. Ўрганувчи сўзлаётганда ўргатувчи унинг хатоларини топишга эътиборини қаратади. Хатони тўғриламаслик тарафдорлари хатони тўғрилаш ўқувчиларга салбий таъсир кўрсатади деб ҳисоблашади. Масалан, ўқитувчи тил ўрганувчини турғизиб савол беради, у «Я вчера пойду в кино» деб, жавоб қайтаради. Айни дамда, ўрганувчи ўзини анча ноқулай сезади, чунки бутун синф ва ўқитувчининг диққати унда. Шунингдек, рус тилидаги саволга тўлиқ рус тилида жавоб қайтарди, шу боис ўзидан мамнун. Аммо унинг ўзидан мамнунилиги, ҳосил бўлган ишончи узоққа чўзилмайди. Ўқитувчи тўғри йўл тутса, «Молодец, ты вчера пошел в кино», дейди. Ўқитувчи нотўғри йўл тутса, «Йўқ, сен нотўғри гапирдинг, «Я вчера пошел в кино», дейишинг керак эди. Сен ўтган замонда гапиряпсан. «Пойти» феълининг ўтган замон шаклини билмайсанми, билмасвой?» дейди. Бундай вазиятда ўрганувчи ўзини саводсиз ҳис қиласди, бошқалар орасида изза бўлади. У рус тили жуда қийин, мен ҳеч қачон ўрганолмайман деб, ўйлади. Чет тилини ўрганишга бўлган хоҳиши, қизиқиши сўнади, ўзига бўлган ишонч йўқолади.

Юқорида кўриб ўтилган вазиятда хатони тўғрилаш салбий оқибатларга олиб келади.

ТАДҚИҚОТ

Олимлар тил ўрганувчи турли ёшдаги кишиларни икки гуруҳга бўлишди:

Биринчи гуруҳдагиларнинг хатолари доимий равишда тўгриланиб борилди.

Иккинчи гуруҳдагиларнинг мулоқот чоғидаги хатолари умуман тўгриланмади.

Бир неча ойдан кейин мутахассислар иккала гуруҳни ҳам синовдан ўтказишиди. Ҳайрон қоларли натижа: иккала гуруҳ ўрганувчиларининг мулоқот даврида йўл қўйган хатоларида умуман тафовут йўқ эди. Иккала гуруҳ ўқувчиларида ҳам бир хил хатолар учради. Ўрганувчининг сўзлаш давомида йўл қўйган хатоларининг доимий тузатиб борилиши уни сўзлашдан аввал тўхтаб қолиб, ўйлашга ва грамматик қоидаларни таҳлил қилишга олиб келади. Бунинг натижасида тил ўрганаётган кишининг сўзлаши сустлашиб, тутилиш, ўйланниши кузатилади. Улар хато қилиб қўйишдан қўрқиши дардига чалинади.

Шу боис ўзингизни танқид қилишдан тўхтант, тушкунлик кайфиятини бартараф этиб, русча мр-З матнлар, дастур ва эшилтиришларни тингланг. Сўзлаш жараёнида ўзингизни бўш қўйинг ва мулоқотга киришинг. Мақсадингиз мурракаб, грамматик хатоларни йўқотиш эмас, балки фикрингизни тушунтира олиш бўлсин. Сизнинг грамматик хатоларингиз ўз-ўзидан йўқолиб боради, автоматик равишда рус тилида сўзлай бошлайсиз.

Қандай қилиб рус тилини тезроқ ўрганишингиз мумкин?

Агар рус тили билан шуғулланиш чоғида кайфиятинигиз кўтаринки, ўзингизни хушчақчақ ҳис қилсангиз, гайритабиий туюлса-да, рус тилини тезроқ ўрганасиз. Бу исботланган. Доктор Стефан Крашен махсус тадқиқот ўтказиб, қувноқ ўрганувчилар зериккан, асабийлашган ўрганувчиларга нисбатан тилни ўзлаштириши тезлигини исботлади. Унинг таъкидлашича, асабийлашиш, зерикиш, мажбурий ўрганиш асаб фаолиятини бузади, натижада мия ўз вазифасини тўғри бажармайди. Маълумки, мия қабул қилиш, хоти-

рага сақлаш ва бошқа күплаб вазифаларни адо этади. У ўз вазифаларини тұғри ва тұлиқ бажармаслиги ёмон асоратларга олиб келади. Рус тилинің құвноқтайдың қызықарлы тарзда ўзлаштиришга ҳаракат қилинг. Күтаринки кайфият, ижобий ұссиёт билан ўрганаётган инсонлар зериккан, ўз кучига ишонмаётган, қийналадаётган, мажбурий ўрганувчиларга нисбатан 2-3 марта тилни тез ўзлаштиришини доимо ёдда сақланг.

2-3 марта тез

Рус тилинің ўрганиш жараёни сизга ёқиши керак, шунда тез ўрганасиз. Бунинг учун дарслар, машғулотлар құвноқтайдың қызықарлы тарзда ўтказилиши лозим. Улар гайриоддий, күлгили мулоқотлар ва машқулардан иборат бўлишига эътибор беринг. Бу тарзда шуғулланиш талаффузингизнинг тұғри шаклланишига ёрдам беради, рус тилинің ўзлаштиришингиз 2-3 марта тезлашишини таъминлайди. Ҳеч қачон зерикарли, ўзингиз қызықмаган мавзудаги рус тилига оид манбаларни ўқиманг ва аудиокитоблар, дастурлар тингламанг. Рус тилинің ўрганиш жараёни сизга ёқсин, ана шунда тез ўрганасиз.

Чет тили курсларида дарслар ва машғулотлар айнан ўша тилда тушунтирилади, изоҳланади, ўрганилади. Курс ўқувчиларининг кўпчилигига чет тили бўйича малака саёз бўлгани боис бундай ёндашувдан сўнг мазкур тилни ўрганиш жуда қийин экан, деган тушунча ҳосил бўлади. Дарслар жуда асабий тарзда ўтади. Улар ҳар куни турли мураккаб тестлар, грамматик қоидаларни ёд олишади, таҳлил қилишади, кўплаб янги сўз ва жумлаларни луғатлардан ёд олишга ҳаракат қилишади. Шунинг учун чет тилини ўрганишни хоҳловчи баъзи инсонларда журъат ва ишонч тезда сўнади. Улар доим ўрганаётган тилини тинглагандага ёки сўзлашга ҳаракат қилганда асабийлашади. Биз буни «ёмон асорат» деб аташимиз мумкин.

Ёмон асорат оқибати

Асорат нимада намоён бўлади?

Нима учун ўрганувчи чет тилида сўзлашга ҳаракат қилинида ўзини ёмон ҳис қиласади?

Нима учун кўпчилик ўрганувчиларнинг чет тилида сўзлашида камчилик кузатилади?

Ёмон асорат самарасиз усуllibарга узоқ муддат амал қилишдан келиб чиқади. Бу усуllibар ўрганувчиларнинг қийналишига ва асабийлашишига сабаб бўлади. Шунингдек, тилни тўғри ўрганиши ва талафуз қилишига салбий таъсир кўрсатади, ўзлаштириши жуда қийин кечади.

Ёмон асоратга биринчи сабаб: таҳлил, эслашга мажбуруллаш.

Баъзи чет тили курсларида эътибор грамматик таҳлил ва сўзларни эслашга қаратилади. Дарслар ва машғулотлар, асосан, чет тилларида тушунтирилади, асосий вақт грамматик қоидаларни ёдлашга сарфланади. Ҳар қандай тил таснифларга бўлиб ўрганилганда мураккаб жараён саналади ва мактаб, коллеж, олий ўқув юртларида йиллар давомида ўрганилади. Зоро, ҳар бир бўлим кўплаб қоидалардан иборат ва уларни эслаб қолиб қўллаш ҳам жуда мураккаб ҳисобланади.

ди. Сүхбат давомида ушбу қоидаларни эслашга ҳаракат қилиш, таҳлил қилиб, қўллашга анча вақт кетади. Ҳам галириб, ҳам тинглаётганда диққат-эътибор фақат тушунишга қаратилган бўлади. Бундай ҳолда кўплаб қоидаларни эслаб қўллашнинг иложи йўқ. Ўрганувчилар грамматикага оид тестларни аъло топширадилар. Улар тўғри ёзиш, ўқишини ўрганишлари мумкин, аммо равон ва тез сўзлашни ўзлаштиришлари ниҳоятда қийин ҳамда бунга узоқ вақт керак. Яна ўрганувчиларнинг кўпчилиги катта-катта луғат китоблардан фойдаланиб, ундаги сўзларни ёд олишга ҳаракат қилишади. Улар талай сўзларни фақат тестлар учун қисқа вақтга ёд олишади. Тест топширгандан сўнг улар ёд олган сўзларини унтиб юборишади. Натижада, грамматик қоидалар, луғатлардан сўз ёдлаш ва тестлар бўйича юқори баллар олган кишилар ўрганаётган тилидаги мулоқотни тушуниш, равон ва тез сўзлашни умуман эплай олишмайди. Аксарият тил ўрганувчилар сўзлаётганда ўзларини ноқулай, асабий тутади. Уларда журъат, ўзига нисбатан ишонч кам бўлади. Улар мулоқотдан кўра тест топширганда ўзларини эркин ҳис қилишади.

Ёмон асоратга иккинчи сабаб: мажбурий сўзлашга ҳаракат қилиши.

Чет тилларини ўрганишни кўпчилик хоҳлайди. Муаммо шундаки, чет тили курсларида ўрганувчиларни аввал сўзлашга мажбурашади. Шунингдек, ўрганувчилар бутунлай нотўғри ёки узоқ вақт талаб этиладиган усууллар орқали сўзлашга ўргатиладилар.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, чуқур, тўлиқ тушуниб ўрганиш бехато ва равон сўзлашнинг калити эканлиги исботланди. Аниқроғи, рус тилида равон, енгил сўзлай олиш учун рус тилини жуда узоқ тинглаш, қизиқарли китобларни мутолаа қилиш керак. Қанча кўп тингласангиз ва ўқисангиз, сўзлашишингиз шунча яхшиланиб боради.

Ёмон асоратга учинчи сабаб – ўзини билмасвой, қобилиятсиз ҳисоблаш.

Ўргатувчилар хатоларни тўғрилашни яхши кўришади. Сиз тест топширасиз – хатоларингиз тузатилади, сиз

сүзлашга ҳаракат қиласиз – хатоларингиз шу заҳоти кўрса-тилади. Бу жуда зарур, аммо устоз вазиятни ҳисобга олиши керак. Масалан, ўрганувчи сўзлаётганида бутун аудитория унга тикилиб, сўзларига қулоқ солиб туради. Мазкур ҳолат ҳар қандай ўрганувчини ҳаяжонга солади. У ўзини анча но-қулай ҳис қиласи. Ўрганувчи рус тилида сўзлашга ҳаракат қиляпти, ўргатувчи хатоларини шу заҳоти текшириб тўғри-ляяпти. Бутун синф диққат билан қараб турибди. Сизнинг-ча, мазкур вазиятда тил ўрганувчи қандай руҳий ҳолатда бўлади? Кўпчилик кишилар даврасида ошкора танқидни ёқтирасизми? Англаганингиздек, бундай вазиятда ўрганувчи ўзини билмасвой, қобилиятсиз ҳисоблайди. Оқибати ни-мага олиб келаётганини кўряпсизми?

Ишонинг, ўқувчининг хатоси тез-тез тўғриланса, кўпчи-лик олдида изза қилинса, бундай тил ўргатиш услубининг фойдасидан кўра зарари кўпроқ бўлади. Бундай йўл тутилса, ўрганувчи сўзлашдан олдин ҳар бир жумла, сўз ва бўғинни таҳлил қилишга одатланади. Натижада ўрганувчилар чет ти-лида равон, тутилмасдан сўзлай олишмайди. Уларда сароси-мага тушиш, асабийлашиш, безиш каби салбий ҳолатлар ку-затилади. Бундай ўрганувчиларнинг тил ўрганишга иштиёқи жуда паст бўлади. Улар, чет тилини ўрганиш жуда қийин, ҳали-бери сўзлай олмаймиз, деб ўйлашади.

ҚИЗИҚАРЛИ, КИЧИК ҲИКОЯЛАР АҲАМИЯТИ

Кичик ҳикояларнинг рус тилини мукаммал ўзлаштиришингизда аҳамияти катта. Сиз уларни баланд овозда ўқийсиз (тинглайсиз) ва ўқиганингиз (тинглаганингиз) бўйича саволларга баланд овозда жавоб берасиз. Бу мулоқот жараёнинга ўхшайди. Реал мулоқот каби кўплаб саволлар ва кўплаб жавоблар. Кичик ҳикоялар жуда самарали. Бу каби ҳикоялар сизни равон сўзлашингиз, тез ва аниқ тушунишишингизга ёрдам беради. Сиз кўплаб такрорлашларни бажарасиз. Сўз бирикмалари, ибораларни ўрганасиз, бунинг натижасида грамматик хатоларингиз ўз-ўзидан камая боради.

Рус тилини ўраганиш учун кичик ҳикоялардан фойдаланганда зерикмайсиз. Шундай экан, толиқмайсиз, толиқмагач, узоқ вақт шуғулланасиз. Агар толиқсангиз, озгина дам олинг. Кичик ҳикояларни ўрганиш жараёнида уч усулни: жарангдор овоз, қувватга тўла тана ва ҳаракатни биргаликда қўлланг. Агар танангиз ҳаракатда бўлиб, машқлардаги саволларга жарангдор овоз билан жавоб берсангиз зерикиш, толиқиш юз бермайди. Бу каби машқларни бажаришишингиз стресс, салбий ҳолатлар юз беришига йўл қўймайди. Учала машқни бажариш сизда янги қувват пайдо қиласди, мия ва қон ҳаракати фаоллашади. Агар сиз қисқа вақт ичида рус тилини ўрганиши хоҳласангиз (айтайлик, олти ойда), содда аудиокитоблар ёки содда китоблар топинг. Биз мактаб адабиёти дарслекларидан бошлишни маслаҳат берамиз. Мактаб адабиёти дарслеклари сифатида 5, 6, 7, 8, 9-синф рус тили ва адабиёти ва бошқа қўлланмаларни топишни маслаҳат берамиз. Бу каби дарслекларда қизиқарли, содда сўзлардан иборат кичик ҳикоялар мавжуд. Осон аудиокитоблар топа олсангиз, нур устига аъло нур. Сиз яна турли мақолалар ҳам ўқишишингиз мумкин. Масалан, рус тилидаги турли газеталар, журналлар ёки турли сайтлари бўлмиш *gəmblər*, *yandex*даги янгиликлар, мақолаларни ўрганинг. Бу билан нафақат тил ўрганасиз, янада кўплаб янгиликлардан боҳабар бўласиз.

Агар сиз олти ойда чет тилини ўрганиб олишни мақсад қилган бўлсангиз, қўшимча шуғулланинг. Ҳозироқ ҳар куни

ўрганишингиз керак бўлган дарс ва машғулотлар режасини тузинг. Ҳар куни бир соат давомида содда, қизиқарли ҳикоялар мутолаа қилинг, аудиокитоблар ёки рус тилидаги фильм, телекўрсатув, радиоэшиттиришларни тингланг.

Сизда яна бир муаммо мавжуд. Бу – нотўғри талаффуз. Қандай қилиб тўғри, ифодали талаффузга эришиш мумкин? Сўзларига урғу тушадиган унлилари ажратиб кўрсатилган ёки апостроф белгиси мавжуд бўлган ҳикояларни ўқинг, ўрганинг. Бу тўғри талаффузга эришишнинг самарали йўлидир.

Интернет ёрдамида чет тилини ўрганишнинг янги усулини ишлаб чиққан тилшунос олим, «Лингвист» компанияси асосчиси ва хорижий тилларни ўрганиш дастури – «LingQ»нинг кашфиётчиларидан бири Стив Кауфман қисқа вақт ичида чет тилини ўрганиш мумкинligини ўз тажрибасида яна бир бор исботлади. Бундай юксак натижага эришиш сири тўққизта тилни ўрганиш давомида шаклланган. Стив Кауфман айни вақтда ўнинчи тилни, яъни рус тилини ўрганяпти. Унинг муваффақият сирлари билан танишамиз.

Стив Кауфман чет тилини мустақил ўрганиш учун мўлжалланган (тр-3 дискларидан иборат) китоблар сотиб олади. Унинг биринчи иши – аудиоматнни тинглаш, такрорий тинглашдан иборат. Бундан мақсад тилни ҳис қила олиш, тил оҳангини таниш. Аниқроғи, у биринчи бўлиб тилнинг ритмини, товуш ва талаффузини ўрганади, кейин эса ўқишини маъқул кўради.

Стив Кауфман бир вақтнинг ўзида ҳам тинглайди, ҳам ўқииди. У айни бир манбани қайта-қайта такрорлайди. Ҳар бир манбани ўттиз мартадан ортиқ ҳам тинглаб, ҳам ўқииди. Ўрганиш давомида грамматик таҳлилга умуман уринмайди. Биринчи бўлиб матн мазмунини тушунишга ҳаракат қиласди, кейин эса сўзларнинг бир-бири билан боғланишини ўрганади, у грамматик қоидаларни хотирлашга ҳаракат ҳам қилмайди. Унинг биринчи галдаги мақсади қисқа вақтда бошлангич умумий маълумотни эгаллаш, кейин асосий қўлланма манбаларни қўллашга ўтишидир.

Унинг чет тилини ўрганишда қўл келадиган маслаҳатларига эътибор беринг:

- Асосий қўлланма манбаларни мумкин қадар тезроқ бошлиб, тил ўрганишда керак бўладиган босқич сифатида билиш;
- Мазкур тилдаги аудиокитобларни, мулокотларни жуда кўп марта қайта-қайта тинглаш;
- Электрон лугатлардан фойдаланиш. Улар орқали сизга номаълум бўлган сўзларни топишингиз тезлашади.

– Аввал камчиликларингизга, яъни нотўғри талаффуз қилиш, ёзувдаги хатоларга хаддан зиёд эътибор берманг. Кўпроқ ўзингиз учун қизиқарли, зериктирмайдиган чет ти-лидаги матнларни тинглаш ва овоз чиқариб ўқишга эътибор қаратинг. Камчиликларингиз кейинчалик табиий равишида йўқолиб кетади.

ТИЛНИ ЎЗЛАШТИРИШНИНГ КАЛИТИ

Энг яхши усул қайси?

Рус тилида равон ва тўтри гапириш кўникмасини қисқа вақтда шакллантириш учун рус тилидаги тушунарли жумлалари бисёр бўлган фильм, болалар учун мўлжалланган телекўрсатув, радиоэшиттиришларни ва рус тилидаги маҳсус аудиокитобларни кунига соатлаб тинглашингиз керак. Рус тилини ўрганишни хоҳлайсизми? Қулоқларингиз билан ўрганинг! Аниқроғи, кўпроқ диққат билан тингланг. Қулоқларингиз рус тилида сўзлаша олишингиз учун восита, қуролди. Рус тилини қай тарзда тинглаган яхши? Тушунарли ва қизиқарли ҳикояларини, албатта.

Агар сиз тушунмасангиз, ҳеч нимани ўрганолмайсиз. Фақат тушуна оладиган русча манбаларни тингланг ва ўкинг.

Аксарият ўрганувчилар ўzlари учун анча қийин бўлган сўзлардан иборат аудиоматнларни тинглашади, оқибатда етарлича тушуна олмай, чет тилини ўзлаштириш секин кечади.

Неча марта тинглаган маъқул? Сиз тўлиқ тушунишингиз ва эслаб қолишингиз учун қанча талаб этилса – шунча! Китобнинг аудиодискидан жой олган «қисқа ҳикоялар»ни диққат билан эшигинг.

Тинглаш давомида ҳеч қачон грамматик қоидаларни ўйланг, сўзларни эслаб қолиш учун ўзингизни зўриқтирманг.

Ўзингизни бўш қўйинг, диққат билан қулоқ солинг ва саволларга жавоб беринг.

Боланинг тилга кириши

1984 йилда Америка университетининг Тил ўргатиш маркази тай тилини ўқитиш учун янги усулни қўллади. Мазкур усул «тинглаш самараси» деб аталиб, ҳозиргача тилни ўз-ўзидан шакллантирадиган самарали усуллардан бири сифатида тан олиниб келинмоқда.

Ушбу усул қоидаларида таъкидланишича, ҳар қандай зўр бериб сўзлашга ҳаракат қилишининг оқибати (ҳаттоқи, ўйлаб гапириш ҳам) заарли бўлиши ва тилни тўғри ўзлаштириши бузиши мумкин.

Мазкур усул шартларида узоқ давом этадиган «жимлик даври» мавжуд. Жимлик даврида тил ўрганувчи фақат тинглайди. 6-12 ойлик узлуксиз, доимий тинглашдан сўнг ўрганувчилар автоматик равишда қийналмасдан ва тутилмасдан гапира бошлайдилар.

Боланинг сири

Ҳеч кузатганмисиз, агарда бир оила яшаб турган еридан бошқа жойга кўчиб борса ва у ерда ўзга тил амалда бўлса, бу оила фарзанди қисқа вақт ичида маҳаллий кишилардек гапира бошлайди, катталар эса бундай натижага эриша олмайдилар.

Олимлар эътироф этишича, ўсмиirlарда тил табиий равишда шакллантирилмасдан, фақат ўргатилиши керак экан. Аммо, биз юқорида тилга олган усул анча мукаммал ва самарали эканлиги ҳаётда исботланган. Мазкур усулни тадқиқ этган мутахассисларнинг хulosасига кўра, болалар қийинчиликсиз бажарган ишни ўсмиirlар ҳам, турли ёшдаги кишилар ҳам уддалай олишади.

ФОРМУЛА – «Тингла, гапирма ва сабрли бўл»

Бу фақат болалар амал қиласидиган формула эмас, чет тилини ўрганиш жараёнида мазкур формулага ҳамма амал қилиши мақсадга мувофиқдир. Болалар узоқ вақт, шошилмасдан амал қилиб боришка, ўсмиirlар ва бошқа ёшдаги инсонлар буни анчайин тезкор равишда амалда қўллаши ижобий натижаларга олиб келади.

Янги тил мұхитига мослашған күпілаб болалар күзатылған ва «Тинглаш, жилмайишиң ва дикқатиниң жамлаш» формуласи қашф этилған. Боланинг сирли қоидаси – «Қулоқлар очық, оғиз ёпиқ ва ҳеч қандай таҳлил (үйлов) йүқ». Улар қисқа вақт ичида мазкур қоиддани амалда құллаб, янги тилде бенуқсон сүзлашувчига айланади.

Тил ўрганишга бел боғлаган бошловчилардан, қуйидаги уч қоиддага қатый амал қилишлари тавсия этилади:

Биринчидан, юқорида тилге олған самараадор усууларни құлланғ.

Иккинчидан, қизиқарлы (ұажвий, зерикарлы бүлмаган) тарзда рус тилини ўрганинг. Бундай тарзда рус тилини ўрганиш сизнинг хоббингизга айланади.

Үчинчидан, тил ўрганувчи ilk босқичда дарс ва машғұлотларда берилған құлланмаларни эшитганида ва ўқиганида 90 фоиз маъносини тушуниши керак. Бунинг учун ўрганувчилар қизиқарлы ва тушунарлы бүлған рус тилидаги фильм, телекүрсатув, радиоэшиттиришларни ва аудиокитобларни топишлари шарт, бу – муваффақиятта эришишнинг калити.

Қизиқарлы ва тушунарлы тилни тинглаш ва «узоқ жимлик даври» – бенуқсон тил ўрганишнинг калитидир.

10 ҚОИДАНИ ЭСЛАБ ҚОЛИНГ ВА АМАЛ ҚИЛИНГ!

1. Сўз бирикмаларини ўрганинг.
2. Грамматик қоидаларни ёд олишга муккасидан кетманг.
3. Кўзларингиз билан эмас, қулоқларингиз билан ўрганинг. Тингланг, тингланг, тингланг.
4. Жуда кўп марта тақрорланг ва чуқур ўрганинг.
5. Феъл замонлари қўлланган ҳикоялардан фойдаланинг.
6. Сўзлашувда истеъмолда бўлган, кўп қўлланиладиган русча сўз, ибора, сўз бирикмаларини ўзлаштиринг.
7. Ўқиб (тинглаб), кейин саволларга жавоб беринг.
8. Русча содда, оммабоп тилда ёзилган ҳикоя, қиссаларни ўқишингиз ва тинглашингиз керак.
9. Тўғри ва ифодали сўзлашни ўрганинг.
10. Инсон психологиясининг муваффақиятга эришишдаги ҳиссаси 80, усууллар эса атиги 20 фоиз аҳамият касб этишини унутманг.

Қоидаларни эслаб қолинг!

АФОРИЗМЫ И ПОСЛОВИЦЫ

1. Успех следует измерять не столько положением которого человек достиг в жизни, а сколько препятствиями, которые он преодолел.
2. Чтобы переваривать знание, надо поглощать их с аппетитом.
3. Кто владеет информацией, тот владеет миром.
4. Гений есть нечто иное, как дар огромного терпения.
5. В вопросе содержится ответ.
6. В голове удерживается только те знания, которые применяются на практике.
7. Если просто учить чему-нибудь человека, он никогда ничему не научится.
8. Если с первого раза у вас ничего не получилось – парашютный спорт не для вас.
9. Одни с годами умнеют, другие становятся старше.
10. Не всегда говори всё что знаешь, но всегда знай все что говоришь.
11. Каждому человеку нужны ум и смелость. Ум без смелости неподвижен, смелость без ума опасна.
12. Жизнь слишком коротка, чтобы растратчивать её на пустяки.
13. Время – это самый хитрый вор.
14. Считай труд за отдых, когда перед тобой великая цель.
15. Нет тяжелее времени, чем безделье.
16. Не услышав начала речи, не поймешь её конца.
17. Нет ничего дороже времени.
18. Мудрость – это ум, соединенный с добротой. Ум без доброты – хитрость.
19. Упущенное время самым длинным арканом не поймаешь.
20. Маленькое дело лучше большого безделья.
21. У умной головы сто рук.
22. Труд человека кормит, а лень портит.
23. Цыплят по осени считают.
24. Не разгрызёшь ореха – так и не съешь ядра.

- 25. Не сиди, сложа руки, так и не будет скучи.*
- 26. Не входя в воду, плавать не научишься.*
- 27. Один ум хорошо, а два – лучше.*
- 28. Семь раз отмерь, один раз отрежь.*
- 29. Мир освещается солнцем, а человек – знанием.*
- 30. Труд и терпение превращаются в золото.*
- 31. Ложь стоит на одной ноге, а правда – на двух.*
- 32. Сила в труде крепнет.*
- 33. Твори добро, и тебе будет добро.*
- 34. Сначала думай, а потом делай.*

СЛОВОСОЧЕТАНИЯ (Сўз бирималари)

спеши, а то опоздаешь	тезроқ бўл, йўқса кечикасан
а именно	яъни, чунончи, масалан
автоматическое движение	бехосдан қилинган ҳаракат
юбилиар получил много	юбилиар кўп табрикнома
адресов	олди
аккуратно отвечать на письма	хатларга ўз вақтида жавоб бермоқ
широкая аллея	кенг хиёбон
бурные аплодисменты	гулдурос қарсаклар
арестовать имущество	мулкни хатламоқ
артист в своём деле	ўз ишига моҳир
расщепление атома	атомнинг парчаланиши
научный багаж	илмий бойлик
аттестат зрелости	етуклик шаҳодатномаси
сырьевая база	хом ашё базаси
бить в барабан	барабан чалмоқ
барабанить на родле	тарақ-туруқ қилиб чалмоқ
каменноугольный бассейн	тош-кўмир ҳавзаси
орудийная башня на корабле	кеманинг тўп минораси
бдительный надзор	ҳушёр назорат қилиш
беда мне с ним	бошимга бало бўлди
на ту беду	устига-устак
беда в том, что	гап шундаки
бежать со всех ног	оёғини қўлига олиб югурмоқ
дни бегут	кунлар ўтиб кетаётир
кровь бежит из раны	ярадан қон кетаяпти
молоко бежит	сут тошаяпти
бежать из плена	асирликдан қочмоқ
без исключения	бейстисно
без сомнения	шубҳасиз
беззаботный ребёнок	ғам-ташвиши йўқ бола
безличный человек	ўзига хос хусусияти
белое золото	бўлмаган одам
	оқ олтин

средь бела дня	куппа-кундуз куни
на белом свете	ёруғ дунёда
стирка белья	кир ювиш
нужнее бельё	ички кийим
берег моря	денгиз қирғоғи
беречь народное добро	халқ мулкини эҳтиёт қилмоқ
беречь здоровье	сағлиқни сақламоқ
беречь тайну	сир сақламоқ
проводить беседу	суҳбат ўтказмоқ
бесконечное пространство	чексиз фазо, бўшлиқ
бесконечные переговоры	узундан-узоқ музокаралар
беспокойный сон	бөжаловат уйқу
беспомощные стихи	маъносиз шеърлар
беспощадная расправа	аёвсиз ўч олиш
бессмертная слава	абадий шон-шараф
после битвы	жанг майдони
бить посуду	идишни синдиримоқ
бить скот	ҳайвонни сўймоқ
бить ключом	қайнаб тошмоқ
бить отбой	фикридан қайтмоқ
бить в цель	нишонга теккизмоқ
бить в ладости	чапак чалмоқ
биться над решением задачи	масалани ҳал қилишга киришмоқ
биться как рыба об лёд	бекорга овора бўлмоқ
объявить благодарность	ташаккур билдиримоқ
благородный поступок	олижаноб иш
бледный рассказ	бемаза ҳикоя
блестящий рассказ	ажойиб ҳикоя
блестящее достижение	ажойиб ютуқ
ближнее село	яқиндаги қишлоқ
близкое расстояние	яқин масофа
близкие взгляды	яқин қарашлар
близко познакомиться	яқиндан танишмоқ
естественное богатство	табиий бойликлар
богатство красок	буёғларнинг ранг-баранг- лиги

богатый урожай	мұл ҳосил
богатый голос	ширали овоз
боевде задание	жанговар вазифа
бой посуды	идиш-товоқнинг синиши
взять с боком	жанг билан эгалламоқ
бок ө бок	ёнма-ён
побоку	нарида
под боком	күзининг олдида
взять за бока	құлоғидан чўзиб ишга
более крепкий	солмоқ
всё более и более	хийла кучли
не более и не менее	борган сари
более или менее	худди
приём больных	озми-кўпми
больной вопрос	касалларни қабул қилиш
больше того	чигал масала
большинство голосов	бунинг устига
борцы за мир	овозларнинг кўпчилиги
хлопок боится сырости	тинчлик учун курашувчилар
брать начало	пахта нам кўтармайди
брать верх	бошланиб кетмоқ
брать пример	қўли баланд келмоқ
меня берёт сомнение	ўрнак олмоқ
брать чью-либо сторону	менда шубҳа туғилаётир
брать вправо	бирор кишининг тарафини
брать уроки	олмоқ
браться за ум	ўнгга юр
не в бровь, а в глаз	дарс олмоқ
бросаться снежками	ақли кирмоқ
бросить взгляд	ўринлатиб гапириш
бросить обвинение	қор отишмоқ
бросить якорь	бир қараб қўймоқ
броситься на врага	айб қўймоқ
броситься в воду	лангар ташламоқ
броситься на помощь	душманга ташланмоқ
	ўзини сувга ташламоқ
	ёрдамга келмоқ